

Маҳалла

11-12 (717-718)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 18 март. Пайшанба

ISSN 2010-7013

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

17 март куни Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар.

Ислон Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Терроризм, экстремизм, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳам-жаҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон моҳаросига эътибор қаратиб, Марказий Осиёда ва ҳатто минтақамиз чегараларидан ташқарида ҳам хавфсизлик ва барқарорлини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши эканини таъкидлади.

Дунёда ахборот макони кенгайиб, энергетика ва экология муаммолари кўпаймоқда. Президентлар икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳам-

корликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам долзарб эканини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида зараркунандалар ва ўсимликлар касалликлари, захарланган озиқ-овқат маҳсулотлари контрабандаси каби муаммоларга қарши биргаликда курашиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро мулоқотни давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳўкмонлик қилаётганига қарамай, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи изчил ўсиб бормоқда. 2007 йилдан бу борадаги кўрсаткич 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд рақамни ташкил қилиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда хомашёнинг улуши пасайиб, юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотларининг салмоғи ортиб бормоқда.

Савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий тарихий қисмидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Гарчи, товар айирбошлаш ҳамми юксалаётган бўлса-да, унинг кўрсаткичлари ана шу имкониятларни тўлиқ акс эттирмайди. Демак, экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

(Давоми 2-саҳифада)

ХУШ КЕЛДИНГ, ЭЙ НАВРЎЗИМ! ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ



К иру адирлар узра кўклам поёндоз ёзмоқда. Эрта тондан шудрингли дала-ларда офтобнинг заррин нурлари ранг талашади. Бойчечаклар сайри бошланади. Гулдан гулга ошuftа бўлаётган капалакларнинг рақсида ҳам сеҳр бордек... Боғу бўстонларни, далаю даштларни гўзалликка чулғаб баҳор юрт кезмоқда, элга кут-барака улашмоқда.

Шундай фараҳли кунларда мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳаллаю овулларида баҳор байрами — Наврўзга тайёргарлик авжида. Халқимиз ҳар йили бу эзгулик ва нафосат байрамини интиқ-

лик билан кутади. Чунки кўлаб хайрли удум ва анъаналаримиз шу кўтлуғ айём билан ҳамоҳанг. Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмун ва фалсафаси билан ҳаётимиздан ўрин олган, яшариш ва янгила-ниш палласи, шарқона янги йил де-палакларнинг рақсида ҳам сеҳр бордек... Боғу бўстонларни, далаю даштларни гўзалликка чулғаб баҳор юрт кезмоқда, элга кут-барака улашмоқда.

халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний гоғлардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Наврўз тоғлардан, қишлоқлардан, маҳаллалардан бошланади. Наврўзи кириши билан деҳқон даласига шо-шади. Бир томонда варрак учира-ётган болалар, бир томонда кўпкари чопаётган чавандозлар, давра айланаётган курашчилар, миллий ўйинларни ўйнаётган зарқокилли қизлар... Ажиб манзара ва завқ бор

бу жараёнда. Варракларнинг осмону фалак сари шитоб билан бўйла-ши мамлакат ёшларининг орзулари коинот каби кенглигидан далолат. Чопагонлар ваҳоҳатию тулпорлар дупурида, полвонлар шиддатда юрт ёшларининг шижоати мужассам-дек. Юзларида қулгичлари ўйнаб турган оҳу кўзларнинг беғубор таб-басумидан уялиб юз очаётган гулу гулбаҳорлар жило олганга ўхшайди.

Кўклам кўнгли кундек истарали одамларнинг қалб тароватлари билан бошланади. Кўнги кеча мамлакатимиз-да ўтказилган умумхалқ ҳаширда ҳам айнаи ҳолат ўзини намён этиб турди.

ИХТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

ФАРЗАНДЛАР БАҲТИ — ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ

КАЙСИ бир оилада бола қулгиси яйраса, бу хонадоннинг бахти-иқболи баланглигидан нишона. Шу маънода, таълим муассасаларида, маҳалла майдончаларида, хонадонларда шодлиги бир олам бола-болаларнинг ҳаётининг аҳолисидан 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил этади. Уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш доимо давлатимиз эътиборида.

Ўғил-қизларимизни эл-юртимизга муносиб фарзанд, ҳақиқий ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш дастлаб оилада, маҳалла оstonасида илдиэ отади. Бугун ихтимой соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлашда айнан маҳалланинг ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда. Айниқса, ёшларимизнинг эстетик тарбияси ва соғломлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш маҳалла оқсоқоли ва фаоллари зиммасига катта масъулият юк-ламоқда. Кейинги йилларда ҳар бир маҳалла, даҳа ва туманда болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш масалаларига жиддий эътибор берилаетир. Бу борада "Маҳалла" хайрия жамғармаси Республика бошқаруви томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режаси белгилаб олинган.

— Унга кўра, асосий вазиғамиз илгари ташкил этилган болалар майдончаларини реконструкция

қилиш ва янгиларни қуришдан иборатдир. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда олиб бораётган ишларимиз самарали бўлаётир, десам янглишмайман. Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлим ва бўлинмалари томонидан бугунга қадар 290 та спорт майдончаси қурилди. Бу режада-гига нисбатан 112,4 фоиз кўп де-гани. Ёки таъмирталаб бўлиб қол-ган 151 та спорт майдончаси ўрни-га 153 та майдонча замонавий тарзда қайта қурилиб жиҳозланди.

СПОРТ > [11]



ҚИШЛОҚДАГИ ШИНАМ УЙ

НАВРЎЗНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ

— ДЕЙИШМОҚДА Олтинқўл туманидаги Иттиғоқ қишлоғи аҳли

Ю ртбошимизнинг "Қишлоқ жойларида уй-жой қури-лишини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, бу ерда намуна-вий лойиҳалар асосида 20 та уй-дан иборат тураржой массиви бун-ёд этилмоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида қурилиши бошланган олтига тўрт хонали ва ўн тўртта уч хонали уйлар "Воҳақурилиш" иختисослашган қури-лиш ташкилоти бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Бу замонавий

уйларда ошхона, ювиниш хонаси бор, хонадонлар иссиқ-совуқ сув билан таъминланган. Деразаларга қишда совуқ, ёзда иссиқдан сақловчи ромлар ўрнатилган. Уйларнинг томига черепица қопланган.

Эътиборлиси, янги уйларнинг эгалари орасида аҳолининг барча қатламидан вакиллари учратиш мумкин: фермер хўжалиги аъзоси Ҳакимжон Йўлдошев, "Агробанк" туман бўлими ходими Азизбек Тожибоев, "Иккиламчи қора металл" корхонаси ходими Беғали Азимов, ўқитувчи Умида Эгамова ва бош-

қалар. Уларнинг ҳар бири уй қури-лиши бошланишидан аввал умумий қийматининг 25 фоизини бўнак сифатида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиалига омонат қилиб қўйиш-ганди. Банк уларнинг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг минг баро-бари миқдорда кредит берди. Бу кредит 15 йил мобайлида узил-ди. Уй қийматининг қолган қисми-ни уй эгаси кўчиб киришдан ав-вал тўлайди.

ИХТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

БУГУННИНГ ГАПИ

ТОМОРҚАДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШ

ОИЛА даромадини шакллантириш баробарида сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Б угунги кунда республика-мизда 4 миллиондан зиёд хонадон мавжуд. Уларда истиқомат қилаётган аҳоли эса мавжуд 499 минг гек-тар томорқа майдонларидан фой-даланиб келишмоқда.

Айтиш жоизки, томорқаларда етиштирилаётган сабзавот, по-лиз, картошка, мева ва узум маҳ-сулотлари аҳоли турмуш фаро-новлигини таъминлаш билан бир-га, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу сабабли кейинги йилларда аҳоли томор-қаларидан фойдаланиш самара-дорлигини ошириш ва ҳар томон-лама кўлаб-қувватлашга ҳўкума-тимиз томонидан устувор вази-фа сифатида қаралмоқда. Чунон-чи, Вазирлар Маҳкамасининг

"Республикада 2010 йилда сабза-вот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етиштириш-ни 30 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички исте-тьмоал бозорини тўлдириш ва нарх-навоини 20 фоизгача камай-тириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида" 2010 йилнинг 18 фев-ралдаги 03-10-24 — сонли йи-ғилиш баёни бу борада дастури-ламал бўлди. Мазкур йиғилиш ба-ёнининг ижросини таъминлаш мақсадида "Агробанк" очиқ акци-онерлик тижорат банки ҳамда

"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан маҳаллий ҳокимликлар, фуқаро-лар йиғинлари раислари (оқсо-қоллар), фаоллари ва тегишли идора вакиллари ҳамкорлигида аҳолини томорқаларда маҳсулот-лар етиштириш учун зарур бўла-диган уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаш бўйича Кўрсатма иш-лаб чиқилди. Айни кунда эса ушбу Кўрсатмада белгиланган вази-фалар юзасидан маҳаллаларда тур-ли тадбирлар, тарғибот ва таш-виқот ишлари олиб борилмоқда.

Фуқаролар йиғинларида аҳолининг томорқа учун ажратил-ган майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзаси-дан доимий жамоатчилик назора-ти ўрнатилмоқда. Жумладан, рес-публика маҳаллаларидаги хона-донларда шу кунга қадар 1 мил-лиондан ортиқ тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилиб, мазкур тад-бирларга 5 миллион 380 минг на-фар аҳоли жалб этилди. Бундан ташқари, етиштирилаётган боғ ва тоқзорлар, сабзавот, полиз ва картошка экинларини парвариш-лашда агротехника қоидаларига амал қилиш муҳим ўрин эгалла-ши барчамизга аён. Бу борада ҳам турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

ИХТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташуви машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорига ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди. Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилги манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромаднинг кўпайтириши имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2011-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Бу ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникация, боғхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида муҳассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичи бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Музокарада таъкидланганидек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, виллоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам катта миқдорда хомашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир. Бу билан қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин.

Музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотларини барпо этишда минтақадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларнинг лойиҳасини мустақил ҳалқаро экспертлардан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрафилақа фикр алмашдилар.

Музокара якунида Ислмо Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Қўшма баёнотида имзо чекдилар. Шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар биналарини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳужжатлар бопим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010-2011

йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010-2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара очик, дўстона руҳда, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

— Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир, — деди Ислмо Каримов. — 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат, қадимий маданият марказидир, — деди Нурсултон Назарбоев. — Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислмо Каримов ва Нурсултон Назарбоев Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу орзу-умидларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Қозоғистон Президенти миллий мезморчилик ва замонавий архитектура аънаналари асосида бунёд этилган муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини бориб кўрди. Пойтахтимиз марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуини зиёрат қилди. Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан таншиди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, муқаддас Куръоннинг энг нодир қўлёзмаси — Усмон муҳафизини кўздан кечирди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ, **ЎЗА** мухбири.

МУАММОЛАР МАҲАЛЛАДА ХАЛ ЭТИЛАДИ

ТАРБИЯДАГИ ЭНГ ИШОНЧЛИ ҚАДАМ

Оила ва маҳаллада қўйилади

Кўп йиллардан буён маҳалла тизимида фаолият олиб бораётган Зиёвуддин Аббасов билан суҳбатлашиб чарчамасиз. Отаҳон шундай меҳр ва ифтихор билан гапирдики, беихтиёр тўққинчи мида кетасиз. Унинг сўзларида самимийлик, кексаллик хос шукрона муҳассам. Маҳалладошлари унга Зиёвуддин ота, деб мурожаат қилишади. Айни кунда Тошкент шаҳар Юнусов тумани Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият олиб бораётган Зиёвуддин ота ҳаётига, қалбига маҳалла руҳи сингиб кетгандек.

— Истиқлол йилларида эзгу қадриятларимиз бешиги бўлган маҳалла янгидан шаклланди, — дейди отаҳон. — Илгари бирор муаммони ҳал этиш учун туман ёки шаҳар марказига бориш зарур бўларди. Бугун барча масалалар маҳалланинг ўзида, фаолларнинг аралашуви ва сатъ-ҳаракати туяйли ўз ечимини топаётгани қувонарли ҳол. Дарҳақиқат, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қолаверса, модернизация жараёни аниқ йўналтирилган режа асосида олиб борилаётган. Шу боис, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолиши Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди. Демакки, бу жараён биз маҳалла оқсоқоллари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Соғлом фарзанд дунёга келиши кўп жиҳатдан оиладаги соғлом муҳитга боғлиқ. Зотан, оила фарзандлар қалбига маънавий зиё улашиб, ҳаётга теран кўз билан қарашига ўргатилган табарруқ маскан бўлса, маҳалла оила ҳаётини жамият билан боғлайдиган, оиланинг ҳар бир аъзоси онига, қалбига миллий урф-одат, қадрият ва аънаналардан озуқа берадиган гўшадир.

— Албатта, халқнинг ўзи ишониб сайлаган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро, унинг оилавий даромад манбалари ҳақида билишлари керак. Айтмоқчи бўлганим, биз маҳалла маслаҳатчилари керакли маълумотларга эга бўлсак, оилаларда келиб чиқаётган турли низо ва келишмовчиликлар сабабини аниқлашимиз осон кечади. Юртбошимиз айтганларидек, бугун маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишига қурб етади. Маҳалламизда учраб турадиган айрим оилавий низолар, келишмовчиликлар, қолаверса, турли муаммолар маҳалла раиси, профилактика инспектори ҳамда посбонлар билан бамааслаҳат бартараф этилмоқда.

Айниқса, ота-оналар кўмағида маҳалламиздаги вояга етмаган ўғил-қизларимизнинг ахлоқ-одоби, муомала маданияти доимо эътиборимизда. Мактабни битирган қизларни турли касб-ҳунар тўғрисидаги йўналтириб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам эришяпмиз, — дейди Ҳоразм виллояти Ҳазорасп туманидаги «Муҳомон» маҳалласи маслаҳатчиси Тўхтагул Султонова.

Еш авлод тарбияни дастлаб айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилиги, кўни-қўшиқлар орасида шаклланади. Демак, ёшлар ўрта-сидда ҳуқуқбузарлик ва гийҳвандлик каби иллатларнинг олдини олиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида айнан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро муносабати муҳим ўрин эгаллайди.

— Бугун маҳалламизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Маълумки, ҳуқуқбузарлик кўпинча бекорчиликдан келиб чиқади. Шунини ҳисобга олиб, осойишталикка эришиш учун ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Йиғин ҳузурида бевосита раисимиз сатъ-ҳаракати билан эр-каклар учун дурадгорлик, чилангарлик, машина таъмирлаш, аёллар учун зардушлик, тирсувчилик сингари ҳунар ўрганиш курслари ташкил этилди. Ёшлар учун эса кураш, футбол бўйича спорт тўғрисидаги ишлар турибди. Бу имкониятлар маҳалламизда жамоатчилик тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасида қўйилган энг ишончли қадам, деб ўйлайман, — дейди Бухоро виллоятидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини сардори Мубин Чориев.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг таъсири ва аҳамияти кучайиб бормоқда. Бу эса ҳар бир юртдошларимиз, қолаверса, маҳалла тизими фаолларига катта масъулият ва янги вазифалар юклаган баробарида, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни оғишмай бажаришда яқдиллик билан меҳнат қилишни тақозо этади.

— Бугун маҳалламизда бу борада талайгина ишлар амалга оширилди. Маълумки, ҳуқуқбузарлик кўпинча бекорчиликдан келиб чиқади. Шунини ҳисобга олиб, осойишталикка эришиш учун ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Йиғин ҳузурида бевосита раисимиз сатъ-ҳаракати билан эр-каклар учун дурадгорлик, чилангарлик, машина таъмирлаш, аёллар учун зардушлик, тирсувчилик сингари ҳунар ўрганиш курслари ташкил этилди. Ёшлар учун эса кураш, футбол бўйича спорт тўғрисидаги ишлар турибди. Бу имкониятлар маҳалламизда жамоатчилик тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасида қўйилган энг ишончли қадам, деб ўйлайман, — дейди Бухоро виллоятидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини сардори Мубин Чориев.

Дарҳақиқат, бугунги кунда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг таъсири ва аҳамияти кучайиб бормоқда. Бу эса ҳар бир юртдошларимиз, қолаверса, маҳалла тизими фаолларига катта масъулият ва янги вазифалар юклаган баробарида, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни оғишмай бажаришда яқдиллик билан меҳнат қилишни тақозо этади.

Ёдгор АШУРОВ, «Mahalla» мухбири.

БУГУННИНГ ГАПИ ТОМОРҚАДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

ОИЛА даромадини шакллантириш баробарида сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириб беришда ҳам муҳим аҳамиятга эга

< [1]

Бугун жойларда "Маҳалла" жамгармаси бўлим ва бўлимчалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тўзилган. Улар томонидан аҳоли томонидан етиштирилган мева-сабзавот, полиз экинлари парвариси ҳақида маълумотлар тўпланмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир хонадоннинг уруғликка эҳтиёжини ўрганиш, уруғлик омборига ўз вақтида буюртмалар бериш ва маҳалла фуқаролар йиғини номидан маҳсус далолатнома асосида етказиб бериш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, "Маҳалла" хайрия жамгармаси республика бошқаруви томонидан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари учун маҳсус тавсиялар ишлаб чиқилган.

— Айни кунларда виллоятимизда ҳам ҳар бир хонадон томорқаларида экиладиган мева, сабзавот ва полиз экинлари тури, миқдори аниқ-

«Маҳалла» хайрия жамгармаси республика бошқаруви томонидан фуқаролар йиғинлари раислари учун ишлаб чиқилган тавсиялар билан газетамизнинг 3-4 саҳифаларида танишасиз).

ҚИШЛОҚДАГИ ШИНАМ УЙ НАВРЎЗНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ

— ДЕЙИШМОҚДА Олтинқўл туманидаги Иттифоқ қишлоғи аҳли

< [1]

— Асосий ишлар ўтган йилнинг охирига қадар тугалланган, — дейди «Воҳақурилиш» иختисослашган қурилиш корхонаси раҳбари Алишер Қамбаров. — Янги уйлар намунадаги натижаларига муносиб замин тайёрланди. Ҳа, баҳор ортига гулу насимлар билан бирга оммавий спорт байрамларини ҳам етаклаб келмоқдаки, биз унинг муваффақиятига доимо муштоқ бўлиб кўз тикамиз. Ишонч бор, юртининг сеҳрли баҳоридан, қадриятларидан завқ ва шавқ олган баркамол авлод вакиллари ҳақон майдонларида Ўзбекистон номини улғайтиради. Бугун маҳалла қишлоқларда, овулу кентларда миллий ўйинларни намойиш этаётган, унинг жозибасидан баҳра олаётган ёшлар бу бизнинг — Ўзбекистоннинг баҳори, дея қадриятлар гулдастасини дунё ахлига кўз-кўз этаверади.

Шу тариқа, юртимизнинг барча гўшаларида ҳашар кўтаринки руҳда, ушқоқлик билан ўтди. Тадбирда иштирок этиб, маҳалла-қўй, юрт орасталигига, ободлигига ҳисса қўшган инсон борки, руҳияти кўтарилиб, хайрли ишга дахлдорлигини чуқур ҳис этди.

Тўлқин РЎЗИЕВ, **Хамза АБДУЛЛАЕВ,** «Mahalla» мухбирилари.

ХУШ КЕЛДИНГ, ЭЙ НАВРЎЗИМ!

ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Азалдан ўзбек халқи Наврўз — шарқона йил боши арафасида ободончилик, кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиб келган. Ҳамюртларимизнинг мустаҳкам сабот-иродаси, шижоати ва ташаббускорлиги туфайли ушбу эзгу аъна ҳақон барҳаёт, яшариб, янгилаиб, бойиб бормоқда. Бу йил ҳам мамлакатимизда Наврўзни ораста кўча ва хиёбонларда, маҳалла ва сайилгоҳларда кутиб олиш, эҳтиёжманд ҳамда мурувват-талаб инсонларнинг кўнглини шод этиш мақсадида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан, 2010 йил март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, 13-14 март умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, деб белгилангани юртдошларимиз қалбидаги яратувчанлик иштиёқига, ғайрат-шижоатига ҳамоҳанг бўлди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу йилги умумхалқ тадбирида қутилганидан ҳам ортик, яъни 17 миллион нафарга яқин юртдошимиз бевосита иштирок этди. Айниқса, уларнинг 10 миллиондан зиёдини ёшлар ташкил этгани эътиборлидир.

Ҳашар кунлари "Маҳалла" жамгармаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари бошчилигида турар-жой мавзелари, маҳалла ҳудудларида 11 миллион 496 мингдан ортик мева, 9 ярим миллиондан ортик манзарали дарахт ҳамда 13 миллион тундан зиёд гул ниҳоллари экилди. 35 минг 211



гектар майдон ободонлаштирилиб, 66 минг тонна чикинди белгилаган жойларда чикриб ташланди. Бундан ташқари, 25 минг 656 километр узунликдаги ариқ-лотоклар тозалангани, 7 минг 799 та қабристон ҳамда зиёратгоҳ мажмуалар тартибга келтирилгани, 32 мингга яқин бовувчисини йўқотган, кўп фарзандли оилалар ва ёлғиз қарияларга мурувват ёрдамлари кўрсатилгани, уларнинг 530 минг 850 квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилгани ҳам эътиборга молик.

Умумхалқ хайрия ҳашарида юртдошларимиз кўчат экиш, гул ўтказиш, ободонлаштириш ишларини юритиш борасидаги тажрибаларини маҳалладошлари билан ўртоқлашди. Ўша кунлари дошқозонларда қайнаган сумалак, баҳор ва Наврўз таомлари барча ҳашар иштирокчиларига тортиқ этилди. Тансиқ таомларнинг мазасидан татиб кўрган қариялар деҳқончиликка барака, хонадонларга тинчлик-осойишталик тилаб, қўлларини дуога очиди.

Азалий аънаналарга хос тарзда бўлиб ўтган ҳашар натижасида юртимиздаги минглаб стадионлар,

тарбия муассасалари ҳам барпо этилади.

Бу йил "Қишлоқ қурилиш инвестициялари" иختисослашган Андижон филиали катта бунёдкорлик ишларини режалаштирган. Намунавий лойиҳалар асосида қурилиши мўлжалланган яқин кўча тартибдаги уй-жойлар учун Андижон виллоятининг ўн тўрт туманидан 22 та ер майдонини ажратилмоқда. Жами 620 та замонавий уй қурилиши мўлжалланмоқда. Бу уйлари тайёр ҳолда шу йилнинг 1 августидан топшириш режалаштирилган. Уйлар учун дастлабки бўнақ омонат сифатида банк филиалига қўйилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўла таъминлаш, қишлоқни ривожлантириш ва қиёфасини яхшилаш мақсадида замонавий лойиҳалар асосида бош режаларга мувофиқ аҳоли пунктлари қурилишига эришиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир. Шу сабабли қишлоқда бунёд этилаётган уй-жойлар чиройли ва арзон маҳаллий қурилиш материалларидан тикланиши зарур. Андижонлик қурувчилар шу мақсадда 2010 йилдаги вазифаларини муваффақиятли бажаришига қиришганлар.

Узюкбой САҚСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

ТОМОРҚА ТАЖРИБАСИ

ДАРОМАД МАНБАИ, ХОНАДОН КЎРКИ



Шомга яқин майдалаб ёға бошлаган қор тонггача тинмади. Сахарлаб турган Бахриддин ота томорқасидаги тўрт сотих ерда қурган мўъжазгина иссиқхонасида хабар олди. Ҳарорат ўртача. Лимон кўчатлари, унинг орасига экилган саримсоқпиез кўзни яшнатиб турибди. Ўғиллари ишга отлангунча саримсоқпиездан озгина юлдириб, бозорга жўнатса бўларкан. Ана шундай ўй билан отахон нонуштага ўтирган оила аъзолари олдиға кириб борди.

Бахриддин ота Парпиев Наманган туманидаги «Оқбулоқ» маҳалласида истиқомат қилади. Етти нафар фарзанди, бир этак набиралари бор — рўзғори катта. Фарзандларининг бари топармон-тутармон, еб-ичишда камчилик йўқ, Шундай бўлса-да, ота уларни ҳеч бўш қўйгиси келмайди, ўзи ҳам тинмайди. Оила даромадиға кўмак, деган ниятда томорқасида иссиқхона қурган. Шундан буён оилада ким бўш бўлса, иссиқхонаға кириб, юмуш билан машғул бўлади.

— Шу йилнинг январь ойида тўрт сотихгина ердан 3 миллион сўм даромад олдим, — дейди Бахриддин Парпиев мамнун ҳолда. — Ҳозирча лимон кўчатлари ёш, 2-3 йилда тўла ҳосилға кирса, пулнинг тағдиға қолсам керак, — дея ҳазиллашади.

Лекин бу ҳазилнинг тағдиға ҳақиқат бор. Унинг фаровон ҳаётини, тўқис рўзғорини ҳавас қилган кўни-кўшни, қариндош-уруғлар ҳам томорқаларидан унумли фойдаланиш мақсадида ана шундай иссиқхоналар қуриш ҳаракатиға тушиб қолишди.

Наманган туманида 67 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, аҳолиси азалдан меҳнатқаш, соҳибкор дехқон ҳисобланади. Айниқса, томорқадан самарали фойдаланаётган оилалар жуда кўп. Улар орасида гулчилардан тортиб, лимон етиштираётганларгача бор. «Қирғизқўрғон» маҳалласидан Ботирали Мамадалиев, «Бозорбоши»дан Махмуджон Урмонов, хонободлик Абдулаҳад Муродов ана шундайлардан.

Хуллас, Бахриддин отаға ўхшаб, ўз еридан миллион-миллион даромад олиб, фаровон турмуш кечириётганлар ҳар бир қишлоқда, маҳаллада топилади. Шу боис туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлин-

маси ҳамкорлиғида ҳар бир маҳалладаги хонадонларда кўрғазмали семинарлар, учрашув-мулоқотлар ўтказиб бориляпти. Мақсад хонадон томорқасини ҳазинаға айлантирганлар тажрибасини оммалаштиришдан иборат.

Чунки энг азиз неъмат — ердан фойдаланишда боқибегамлик қилаётган, унинг умрини беҳуда ўтказаятганлар ҳам учраб туради, — дейди суҳбатдошимиз, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган туман бўлинмаси раиси Ҳавоҳон Икромова. — Биз маҳаллаларни айланиб, ана шундай хонадон соҳибларини семинарларға, учрашувларға жалб этаймиз. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Бугун томорқаларидан унумли фойдаланиш баробарида маҳаллалар ободончилиғиға ҳам муносиб улуш қўшаётган юртдошларимиз кўп. Улар иштироки ва моддий кўмағида кўпгина хайрли тадбирлар ҳам ўтказиляптики, бундан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаббат Сиддиқова уй бекаси. Унинг хонадониға таширф буорсанғиз, оила соҳибаси саккиз сотих иссиқхонасиға тортинмай тақлиф этади. Бу ерда помидорнинг қил-қизил бўлиб пишиб ётганини кўриб хайратланасиз.

— Ҳар йили октябрь ойида иссиқхонаға помидор экман ва келгуси йил октябрь ойиғача ҳосил олавераман, — дейди у. — Уч нафар фарзандим бор, улар ҳам иссиқхонада йил бўйи қўймаланишади. Минг шукр, шунға яраша даромад ҳам оляймиз.

— Сир бўлмаса, йиллик даромадингиз қанчани ташкил этади? — деб сўраймиз ундан.

— Ўн миллион сўмдан ортади!

Бу жавоб замирида ўз ишидан мамнунлик, фахр, ишонч, қатъият каби туйғуларни ҳис этдик.

Жорий йилда мамлакатимизда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 30 фоизға ошириш ва таннархини 20 фоизға камайтиришға астойдил киришилган. Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштиришда, бозорларда тўқинчиликни таъминлашда аҳолининг салмоқли улуши бор. Шуни ҳисобға олганда, ўз томорқасини ҳазинаға айлантирганлар сонин янада ортишдан барча манфаатдор.

Жамшид БЕК,
«Mahalla» муҳбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси

БАЙРАМГА ТАРАДДУД АВЖИДА

Қораўзак туманида баҳор кириб келиши билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлариға киришилган эди. Туман аҳли: «Ўйғониш фаслида эринчқоқликка берилиб бўлмайди», дейишади. Дарҳақиқат, баҳорда меҳнат қилмаганлар йил давомида эришиш лозим бўлган ютуқлардан қуруқ қолиши мумкин.

Туман аҳолиси меҳнат қилишни ҳам, ҳордиқ чиқаришни ҳам билади. Ўтган йили туман марказида хашар йўли билан маҳалла гузари қурилиб, у ерда ҳордиқ чиқариш ва ишлаш учун шарт-шароитлар яратилгани бунинг яққол мисолидир. Бугун гузарда аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ёшлар учун компьютер тўрағи ишлаб турибди. Энг муҳими, гузарнинг ишға тушиши 17 нафар йигит-қизни ишға жойлаштириш имконини яратди. Бундан ташқари, гузарда гўзаллик салони, сартарошхона, тўй либослари бўлими, «Маънавият маркази» ва кутубхона аҳоли хизматида.

— Жорий йилдаги Наврўз байрамини янги гузарда ўтказишни ният қилиб турибмиз. Байрамнинг энг сара удумларидан бири эҳтиёжманларға меҳр-мурувват кўрсатишдир. Тўйдан олдин ногора ча-



лиш шарт эмасу, лекин мустасно тарзда айтишим мумкин: «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги марказий Тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлимиға 40 дона кўрпа-тўшак жамланмасини ҳадая этмоқчимиз. Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларға байрам сов-

ғалари улаишни кўнглимизға тугиб қўйганмиз. Байрам куни гузар қошидаги спорт майдончасиға арғимчоқ ва бошқа жиҳозлар ўрнатилади. Миллий таомлар кўрик-танлови, турли халқ ўйинлари ўтказилади, санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилади. Биз томонда тўю тананалар полвонлар беллашуви ва кўпқарисиз ўтмайди. Бу йилги Наврўз ҳам эсда

қоладиган тарзда ўтишиға ишончим комил, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Қайипберган Тўйлиев.

Чиндан ҳам, тўйнинг бўлганидан «бўладиган»и қизиқ деганларидек, Қораўзакда байрамға тараддуд авжиди. Яшариш фаслида туманда манзарали ва мевали дарактлар ўтказишға ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

САХОВАТ

ЎТОВЛАРДА АЙТИЛАР АЛЁР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР Наврўзни байрамлар ичида энг сараси, деб таърифлашади. Чиндан ҳам, Наврўзнинг файзи, шуқуҳи ўзгача. Шу боис, янгиланиш ва яшариш айёмини халқимиз зўр иштиёқ, кўтаринки руҳ билан кўриб олади, энг чекка овуларда ҳам халқ сайиллари уюшқоқлик билан ўтказилади.

Айни кунларда шаҳар, туман ва овуларда кутлуг байрам арафасида меҳр-мурувват, хайрия тадбирлари ўтказиляпти. Айниқса, ногиронлар, етим-есирлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалардан хабар олиниб, бу хонадон эгалари байрам билан қўнланмоқда, уларға моддий, маънавий ёрдам кўрсатилиб, совға-саломлар тортиқ этилмоқда. Пирю бадавлат отахону онахонлар арзимас сабаблар билан низоға борган, аразлашиб юрганларни яраштириб қўйишға охиқишади. Бу аъёна азалдан халқимизнинг

турмуш тарзига, онг-шууриға сингиб кетган.

Нафақат дехқону боғбонлар, балки ҳар бир оила аъзоси миллий удумға кўра, мевали ва манзарали даракт кўчатларини, гул ниҳолларини ўтказишади. Кенг, бепойвон кўмлик бағрида жойлашган Устюрт текисликлари ва Қизилқумда сурвусурув кўй боқаётган чўпонлар яйловларда Наврўзни муносиб нишонлайди.

Байрам муносибати билан дастурхонларға миллий таомлар тортилади. Минг дардға даво сумалақдан тортиб, Наврўз гўжаси, балиқдан тайёрланган турли хил таомлар дастурхонни безайди. Айниқса, қорақалпоқ эли байрам кўнларини кўни-қўшнлар, маҳалладошлару қариндош-уруғлар билан бир даврада нишонлашни аъёнаға айлантирган.

Қиз-жувонлар момолари сингари кўлларига билақузук, миллий тақинчоқлар тақишади, миллий ли-

бослар кийишади. Ўтовлардаги йигит-қизларнинг айтишувлари тонгға қадар давом этади. Эл-юрт шаъни, йигитлик орияти учун йигитлар от белиға қушдек кўра, кўпқари майдониға йўл олишади. Ёриға соврин олиб қайтиш мақсадида майдонда мардларча от чоптиришади.

Улуғ айём куни Қорақалпоғистоннинг барча овул-маҳаллаларида арғимчоқлар қурилади. Белида белбоғи бор полвонлар рақиб излаб давра айланишади. Кўчқор ва ҳўрозлар жанги халқ сайилға ўзгача руҳ бағишлайди. Шу кунларда миллий ўйинлардан арқон тортиш, қочармон тўп, чиллак, ошққ ўйинлари ихлосмандлари яйрашади.

Кенг далада янграган бахши-хиронлар, санъаткорлар ижро этган оханграбо мусикалар, ашула, достонлар аҳолининг кайфиятини кўтариб, маданий ҳордиқ чиқаришиға ёрдам беради.

Бундай тадбирларни ўтказишға «Маҳалла» жамғармаси ҳудудий

бўлимининг мутасаддилари алоҳида ҳисса қўшади. Жумладан, байрам муносибати билан 12 та кам таъминланган оила фарзандларининг никоҳ тўйларини ўтказиб бериш, туманларда ўтказилятган «Дугоналар, бормисиз, омонмисиз?», «Оналар куйлаганда», «Миллий таомларимиз» каби кўрик-танловлар, Қорақалпоғистон кўзи ожизлар жамияти ҳамкорлиғида болалар ва хотин-қизлар ўртасида ўтказилятган мусобақалар ғолибларини тақдирлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, миллий кадриятларимизни тарғиб этиш мақсадида «Миллий либосларимиз — миллий кадриятларимиз», «Ёшлар маънавий киффаси, одоб-ахлоқ ва кийиниш маданияти» каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиляпти.

Тинчлик-осойишталик, гўзаллик байрами Наврўз элимизға бахт-саодат, мўл-кўлчилик олиб келаверсин!

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

ФАОЛЛАР ЁРДАМИГА СУЯНИБ

Сўнги пайтда Кегайли туманидаги «Яппоқёп» овул фуқаролар йиғини ҳудудида истеъмолға яроқсиз спиритдан қўлбола ароқ тайёрлайдиган «тадбиркор»лар чиқиб қолди. Ачинарлиси, бундай ароқлар тўйларда дастурхонға қўйиларди.

Шундан сўнг овул фуқаролар йиғини масалаға жиддий ёндашиб, назоратни кучайтирди. Посбонлар сардори Азирбой Алланазаров ва ҳудуддаги милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Аллабек Тангирбергеновнинг ҳамкорлиқда олиб борган фаолияти туфайли қўлбола ароқ тайёр-

лаётган кимсалар аниқланди. Бунда овул фуқаролар йиғини фаоллари яқиндан ёрдам беришди. Уддабурон «тадбиркор»ға тегишли жазо тайинланди.

Таъкидлаш керакки, овул фуқаролар йиғини ва милиция таянч пунктининг биргалиқда олиб бораётган ишлари натижасида кейинги йилларда ҳудудда жиноят содир этиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Айниқса, милиция таянч пунктининг йиғин идораси билан бир бинода жойлашгани овулда тинчлик-осойишталикни фаоллар ёрдамида таъминлаш-

да ва муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

— Овул аҳолиси ўзаро аҳил-иноқликда умргузаронлик қилади, — дейди профилактика инспектори А.Тангирбергенов. — Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда Ф.Жаримбетов, С.Тўреиязов, А.Тўлибоев ҳамда Ю.Абдуқодиров сингари овул фаоллари яқин ёрдамчимизға айланган. Улар билан бот-бот учрашиб маслаҳатлашиб турамыз. Ҳудуддаги 8 нафар муқаддам судланган шахс билан мунтазам профилактик тадбирлар олиб борамиз. Вояға етмаганлар

ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида фуқаролар йиғини ҳудудидаги 4-мактаб қошида касбға йўналтирувчи тўғарақлар ташкил этилган. Баҳор фаслида эса яхши ният билан уруғ сочган галлакорларимизнинг экин майдонларини пайхон бўлишдан асраш муҳим вазифамизға айланади. Шунинг учун аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз.

Қонисбой РЕЙМОВ,
«Mahalla» муҳбири.

14. Энг намунали томорқа эгаларини аниқланг. Уларнинг ибратли ишларини бошқаларға намуна қилиб кўрсатинг.

15. Хомийлар ёрдамидан фойдаланиб, «Энг яхши томорқа эгаси» кўрик-танловини ташкил этинг, ғолибларни рағбатлантириб боринг.

16. Маҳаллангиздаги томорқа эгаларининг илғор тажрибаларини амалиётға жорий қилишға ҳаракат қилинг ва бу тажрибаларни туман, вилоят оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш чораларини кўринг.

8

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ

ТОМОРҚАДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига тавсиялар)

Тошкент — 2010 йил

КЕСИШ ЧИЗИГИ

лик ҳолатлари аниқлангани бўйича ҳар ҳафтада расман туман ҳокимига ахборот бериб боринг.

9. Томорқа эгаларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб, томорқасиға ишлов бермаётган хонадонлар аниқланганда, томорқа эгаларига нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланиши ҳақида доимий тушунтириш ишлари олиб боринг.

10. Ҳар бир хонадонда экилган қишлоқ хўжалиғи экинларини ва маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳисоб-китоб юритиш дафтари тунинг ва мониторинг ўрнатинг.

11. Дехқон ва аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, озик-овқат маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжлари ва аҳолини таъминлаш

6

У маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг кундалик амалий ишларида керакли кўмакчи бўла олишиға ишонамиз.

МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

1. Ҳурматли раис! Ўзингиз раҳбарлик қилаётган маҳалла аҳолисининг мева, сабзавот, поли, картошка маҳсулотлариға бўлган йиллик талабини биласизми?

Уни албатта аниқлаб олинг. Бунинг учун ўз фаолларингизни бир ерга йиғиб, уларнинг ҳар бириға томорқаға эга 5-6 та хонадонларни рўйхат бўйича бириктириб беринг. Бириктирилган маъсуллар сиз бошчилигингизда алоҳида дафтар юритиб томорқа эгаларининг уруғлик ва кўчатға бўлган эҳтиёжларини аниқлайди.

3

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ОИЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ



Наврўз қадим-қадимдан яраш айёми сифатида ҳам кенг нишонланиб келинган. Наврўз кириб келиши билан оилавий низолабга барҳам берилиб, кишилар ўртасида инноклик, дўстлик ришталари мустаҳкамланган. Аразлашиб юрган қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар бир-бирини кечириб, байрамни кўтаринки руҳда қутиб олишган.

Наврўзнинг бу эзгу аъналарига садоқатли маҳалламиз аҳли ҳам байрам тадбирларини аҳиллик билан ўтказиш учун катта тайёргарлик ишларини олиб бораётди. Биз ҳудудда ободончилик ишлари билан бирга, аразлашиб қолган маҳалладошларни яраштириш, байрам дастурхони атрофида йиғилишиб, байрам таомларини тамадди қилиб, бу айёмни кўнгилдагидек ўтказишни ният қилиб қўйдик.

Маҳалламиздаги яхши бир оиланинг фарзанди Шахрихонга турмушга узатилган эди. Икки ёш ўртасида юзага келган арзимаган тушунмовчилик туфайли аразлашиб, қиз уйига кетиб қолганди. Байрам арафасида ёши улуг инсонлар, маҳалла фаоллари ўртага тушиб уларни яраштирдик.

Наврўз арафасида маҳалламиздаги нотинч оилалар рўйхатида турган яна бир хонадонда тинчлик ўрнатишга эришдик. Оталари оламдан ўтгандан кейин ака-укалар ўртасида юзага келган уй-жой муаммоси муроса йўли билан ҳал қилинди.

Булар йиғин қошида фаолият олиб бораётган Яраштириш комиссияси фаолиятдан мисоллар. Маҳалла маслаҳатчиси Махмуд Ибраҳимов, маҳалланинг хурматли, обрў-эътиборли кишиларидан Фанижон Мамажонов, Нодирахон Умархўжаева,



Мўйдинжон Солиев фуқароларимизнинг ўзаро аҳил ва иноқ яшашлари йўлида астойдил жон куйдиришаётди. Бунинг учун биз йил бошида нотинч оилаларни аниқлаб, уларга маҳалла фаолларидан вакиллар бириктирдик. Бу вакиллар тез-тез ўзларига бириктирилган оилаларда бўлиб, хонадонларда осойишталикни қарор топтиришга ҳаракат қилишмоқда. Зарур пайтда бундай оилаларга маънавий ёрдам кўрсатилапти.

Хонадонлардаги келишмовчиликларни чуқур ўрганиб, уларни гуруҳларга ажратиб чиқдик. Айрим

қўшнилар, туғишганлар, эр-хотин, қайнана-келин ўртасида зиддиятлар бўлиб туриши табиий. Биз уларни, маҳалламиз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, фаоллар, кўпни кўрган отахону онахонлар, Яраштириш комиссияси аъзолари кўмағида бартараф этишга эришмоқдамиз. Муаммолар ўта чигал ҳоллардагина ҳуқуқ-тартибот идораларига ёрдам сўраб мурожаат қиламиз.

Келишмовчиликларнинг аксарияти фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига бориб тақалади. Шу боис, биз

аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор беряпмиз. Маҳалламизга шахар хотин-қизлар кўмитаси, ФХД, нотариал идоралар вакилларини тез-тез таклиф этиб, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб тура-миз. Натижада маҳалла аҳли ўртасидаги келишмовчиликлар ўтган йиллардагига нисбатан анча камайди.

Авазбек МИРЗАЕВ,
Андижон шаҳридаги «Ўзгариш»
маҳалласи оқсоқли,
Яраштириш комиссияси раиси.

БЎЛИМ ФАОЛИЯТИДАН

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

ШИОРИ остида вилоятимизда янги ва замонавий мажмуалар барпо этишга киришилган

«...Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва аъналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз».

Президентимизнинг «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарига айтилган ва тўғри фикрлар бугунги фаолиятимизнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Турмушимизда бу ноёб усул ўзаро уйғунлашса, инсон, давлат, жамият, қолаверса, маҳаллалар ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш бўлаверади.

Вилоятимизда 861 та маҳалла, 100 та қишлоқ фуқаролар йиғини ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишга ҳаракат қилапти. Агар ўтган 2009 йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, аҳоли саломатлигини тиклаш, соғлом фарзандларни тарбиялаш, нуронийлар соғлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Бу борадаги ҳаракатларимизни ердан қор кетиши билан кўча-йўллари, ҳовли-жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан бошладик. Тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари ҳар бир уй, кўча ва йўлакнинг озода ҳамда покиза бўлишига, санитария-гигиена талабларига тўлиқ амал қилинишига эришди. Айниқса, Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида иштирок этган салкам икки миллионга яқин аҳоли шахар ва қишлоқларда, маҳаллаларда кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Натижада аҳоли истиқомат қиладиган тураржойлар гўзал, озода ва файзли бўлди. Бу, албатта, қишлоқ тараққиётига, қолаверса, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилади.

Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, шифокорлар билан биргаликда вилоятимизнинг барча маҳаллаларида уюштирилган ташкил этилаётган йиғин раислари, маслаҳатчилар, шифокорлар маҳаллаларда қизғин иш олиб боришмоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис, маҳаллаларда тез-тез турли спорт мусобақалари ўтказиб келинади. 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида фуқаролар йиғинларида ишловчи аёллар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақасида барча туман ва шаҳарлар жамоалари иштирок этди. Шунингдек, «Футболимиз келажик» республика турнирининг вилоят босқичида 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасида Асака шаҳридаги «Дўстлик», 13-14 ёшлилар ўртасида Шахрихон туманидаги «Янги воҳа», 15-16 ёшлилар ўртасида Ан-

дижон шаҳридаги «Ал-Бухорий» маҳалла фуқаролар йиғинлари футбол жамоалари голиб бўлишди. Маҳаллий бошқарув идоралари ходимлари вилоятдаги мавжуд 36 та ўйингоҳ, 714 та спорт зали, 38 та сузиш ҳавзаси ва уч ярим мингдан ортиқ спорт майдонларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жорий Баркамол авлод йили дастурида болалар спортини ривожлантириш, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда «Ҳар бир маҳаллада спорт майдончаси бўлсин» шiori остида иш олиб бориб, маҳаллалар ҳудудида янги спорт муҳмуаларини, стадионлар ва иншоотларни бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжумлари ва оқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш ишларини изчил амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Баркамол инсон, деганда ҳар томонлама етук, маънавий дунёси бой, фикрлаш доираси кенг шахс назарда тутилади. Чунки маънавият инсон камолотининг энг юқори босқичи. Шунинг учун ҳам маҳалларда ижтимоий вазият бақарорлигини таъминлаш, диний экстремизмга мойиллиги бор ёшлар билан алоҳида ишлаш, оилавий муҳитни, маънавий ҳолатни соғломлаштириш борасида режалар ишлар олиб борилаётди. Бу борада маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, фаоллари ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан елка-елка туриб фаолият юритаётди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан тез-тез учрашувлар ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини берапти.

«Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида соғлом фарзандлар туғилиши ва уларни тарбиялаш юзасидан аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари янада кучайтирилиб, тадбирлар самарадорлигини ошириш ниятида ФХД вакиллари, шифокору ҳамширалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Бу келгусида ҳар томонлама баркамол, соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши тайин.

Юртимизда баҳор нафаси кезмоқда. Хамма жойда ўйғониш ва яшариш кўзга ташланаётди. Халқимиз айни кунларда суюкли Наврўз байрамига тайёргарлик кўра бошлади. Далалардан тортиб, арик-зорурлару кўча-кўйлар, кўприклар, деворлар тартибга келтирилипти, дархаллар оқнаётди. Деҳқонларимиз яхши ниятлар билан ерга уруғ сочаётди. Байрам арафасида ўтадиган умумхалқ хайрия ҳаширида минглаб юртдошларимиз иштирок этиб, ўзлари яшаб турган кўча, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарни саранжом-саришта қилишга муносиб ҳиссаларини қўшаётди. Маҳаллий бошқарув идоралари шу кунларда умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш, Наврўз байрамни кўтаринки руҳда нишонлаш чора-тадбирларини кўрапти.

Икромиддин ВАЛИЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг
Андижон вилояти бўлими раиси.

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — МАКТАБ» ҲАМКОРЛИГИ

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ
УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Андижон вилояти Жалақудук тумани Ойим қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 40-умумтаълим мактаби педагогика кенгашининг йиғилишида «Далварзин» маҳалласи раҳбарлари ва фаоллари ҳам иштирок эттишти. Йиғилишни бошқариб борган мактаб директори Мунаввар Абдуллаева кейинги йилларда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги ўз самарасини бера бошлагани ҳақида гапирди.

Тарбияси, ўқиши ёмон ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбатлашиш фақат ўқитувчининг иши бўлиб қолмасин. Керак бўлса, уларни маҳаллага чақириб гаплашайлик, муаммоларини ҳал этайлик.

риддиновлар оиласидан ўрнак олишга чақираман. Оиланинг энг катта вакили Қобилжон бобо Нуриддинов ҳам тез-тез мактабга келиб невараларининг ўқиши, мактабга келиши, ахлоқ-одоби билан қизиқиб туради. Қани энди барча ота-оналар ҳам шундай фаол бўлса.

— Маҳаллада униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишида мактабдаги таълим-тарбиянинг ўрни беқиёс, — деди йиғилишда сўзга чиққан маҳалла оқсоқли Алишер Абдукаримов. — Шу билан бирга, биз ҳам қараб туришимиз керак эмас. Улуғларимиз бекорга «Бир болага етти маҳалла ота-она», демаган. Тарбияси, ўқиши ёмон ўқувчиларнинг ота-онаси билан суҳбатлашиш фақат ўқитувчининг иши бўлиб қолмасин. Керак бўлса, уларни маҳаллага чақириб гаплашайлик, муаммолари-

ни ҳал этайлик. Ота-оналарга мактаб ва маҳалла билан ҳамкорликда иш юритишнинг самарасини тушунирайдик. Бугун ёшлар тарбияси юртимиздаги энг муҳим вазифалардан бири. Шундай экан, ҳар бир бола, ҳар бир оила мактаб ва маҳалла нигоҳида бўлиши керак.

Дарҳақиқат, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, ёшларларнинг зарарли диний оқимларини тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўғил-қизларимизни Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш алоҳида масъулият талаб этади.

Айни пайтда «Далварзин» маҳалласида бешта кам таъминланган оила бор. Уларга мунтазам моддий ва маънавий кўмак бериб боришмоқда. Шундай оилалар фарзандларининг 19 нафарига ижара шартномасидаги дарсликлар олиб берилди, 45 нафарига кийим-кечак ҳада қилинди. Мактаб ўқувчилари гуруҳларга бўлиниб, яқна-ёлғизларнинг хонадо-

ни, ҳовлисидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришяпти.

— Еттинчи синф ўқувчиси Сарвиноз Мирзараҳимова Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ёш рассомлар танловининг республика босқичида голиб деб топилди, хорижга саёҳат қилиш учун беғул йўланмани қўлга киритди, — дейди 40-умумтаълим мактаби раҳбари Мунаввар Абдуллаева. — Маҳалла фуқаролар йиғини ҳам қараб тургани йўқ, Сарвинозлар оиласига моддий кўмак кўрсатди.

«Далварзин» маҳалласида беш йил бурун Мактаб таълимини ривожлантириш умумий дастури доирасида кўпқаватли замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозир ўқувчилар қулай шарт-шароитларга эга билим масканида таҳсил олмақда. Ёшлар тарбиясида маҳалланинг мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

У.САКСОНБОВЕВ,
«Mahalla» муҳбири.

КЕСИШ ЧИЗИГИ

КЕСИШ ЧИЗИГИ

КЕСИШ ЧИЗИГИ

2. Маҳалладаги хонадонлар имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолининг мева, сабзавот, полиз, картошка маҳсулотларига бўлган талабини қондирса бўладими? Бу борада маҳалла томорқаларида қанча миқдорда ва қандай турдаги маҳсулотлар етиштиришни хонадонлар кесимида аниқланг.

3. Бу маълумотларни маҳалла эҳтиёжига таққосланг ҳамда талаб этиладиган уруғлик, кўчат тўғрисидаги ҳисоб-китобларингизни қишлоқ фуқаролар йиғинлари орқали туманингиздаги «Агробанк» ОАТБ бўлимига расман топширинг.

4. «Агробанк»нинг туман бўлими ўзининг масъул ходимлари орқали шахсан маҳаллага келиб уруғлик, кўчатларни ҳар бир хонадонга тарқатади ва бу ҳақда Сиздан (йиғин раисидан) ҳамда хонадон фуқароларидан тилхат олади.

4

5. Деҳқончилик ер тайёрлашдан бошланади. Фуқаролар йиғини раиси бириктирилган вакиллари билан биргаликда ҳар бир хонадонда экиш ишларининг кундалик мониторингини олиб боради ва назорат қилади.

6. Томорқа ерларига экин экиш масаласи маҳаллаларда ҳар қуни, қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳар уч кунда муҳокама этиб борилади.

7. Экинларга ишлов бериш, озиклантириш, суғориш, ўғитлаш ва бошқа агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилишига риоя этиш яхши самара беришини одамлар орасида мунтазам тарғиб қилинг.

8. Ҳар бир хонадонда бажариладиган агротехник тадбирлар бўйича тушунтириш ишлари олиб боринг ва томорқага экин экмас-

5

Томорқа қишлоқда яшайдиган ҳар бир хонадоннинг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Унинг самарадорлиги маъмурчилик, мўл-кўлчилик ҳамда тўқин-сочинлик гаровидир. Шундай экан, ота-боболаримизнинг аъналарига амал қилиб, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишимиз лозим.

Республикамизда етиштириладиган жами мева, сабзавот, полиз, картошка экинларининг ярмидан кўпроги маҳаллалардаги хонадон томорқалари улушига тўғри келмоқда. Бу жуда кенг қўлмалли вазифа. Демакки, аҳоли томорқаси самарадорлигини оширишда маҳалла фуқаролар йиғини ва уларнинг раислари масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Томорқа самарадорлигини оширишда нималарга эътибор бериш керак? Қандай ташкилий ва тизимли ишларни амалга ошириш лозим? Маъмур тавсияномада ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинади.

2

юзасидан мониторинг ўрнатинг ва туман Статистика бўлимига ҳисобот бериб боринг.

12. Маҳаллангиз ҳудудида минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий воситалар билан савдо қиладиган махсус дўкон бўлишига эришинг. Бунинг учун мутасадди ташкилотларга таклифлар тайёрланг.

13. Томорқаларда етиштириладиган сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотларини етказиш бўйича қайта ишлаш корхоналари, экспортёр ташкилотлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа ташкилотлар, шуниингдек, Тошкент шаҳри ярмаркалари билан шартномалар тузиб, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимидан рўйхатдан ўтказиб, вилоят Адлия бошқармасига тақдим этишни ташкиллаштиринг.

7

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ...

Бир, икки, уч...
Қизалоқ юришдан тўхтаб, каккунинг сайрашига диққат билан қулоқ тутиб, бармоқлари билан санашда давом этади: ...тўрт, беш, олти...
— Қизим, юр кечикяпмиз.
— Тўхтаб туринг, ажон, неча ёшга кирар эканман.

Какку ҳам худди қизалоқнинг дилидагини уққандек, сайрашда давом этади. Қизалоққа қўшилиб, секингина санай бошлайман: саккиз, тўққиз, ўн... Хаёлимга онамнинг сўзлари келади: «Эрта баҳорда каккунинг кўрган одам унинг сайрашини эшитган замон ердан бир ҳовуч тупроқ олиши керак». Шундай қилинса, йил баракали келар эмиш. Беихтиёр энгашиб қўлимга тупроқ оламан: «Йил яхши келсин».

Оппоқ гулларга бурканган боғ оралаб борар эканман, узоқдан арқон кўтарган қизларга кўзим тушади. Уларни кузатаман. Энг йўғон дарахтни топиб, бақувват шохига арқонни боғлаб, ҳалинчақ ясади. Зум ўтмай бири қўйиб, бири арғимчоқда уча бошлади. Шунда кичкиналимга кекса момоларнинг: «Арғимчоқ учсақ савоб бўлади, оғирлигимиз ерга тўкилади, қушдек енгил бўламиз», дейиши ҳазил-хузул билан ҳалинчақ учишганлари, дугоналарим билан арғимчоқ учаётди, ўрикнинг энг баланд шохидан барг узишга интилганларимиз ёдимга тушади завқаниб кетаман.

Ана шундай ширин хаёллар оғушида ота уйимга кириб келаман. Чақаларига бойчечак, қоқил тақиб олган онажоним пешвоз чиқади.

— Келдингни, юрагим сезган экан-да, исмалоқ сомса қилганим, ҳозир тандирдан уздим. Тўхта, аввал мана бу дармондорини еб ол.

Онажоним шовиб қолганларидан бошларидан рўмоллари тушиб кетганини ҳам сезмайди. Дармондори деганларни тузга аралаштирилган қоқил. Иликүзиди пайтларда танага жуда фойдали озуқа. Эсимни таниганимдан бундан онам ана шу дармондорини ҳар баҳорда ҳаммамизга қўяди-қўймай едиради.

— Маҳалламизда ўйин бор эди. Наврўз байрамни ўтказиш масала-



си кўрилади.

— Қаерда ўтказмоқчисизлар?
— Ҳар доимгидай қирда-да. Бу йилгисини аввалгиларидан ҳам бошқачароқ ўтказмоқчимиз. Кўча-кўча бўлиб мусобақалашамиз. Энг қадимий миллий таом, ҳўроз, кўчқор уриштириш, полвонлар беллашуви, арғимчоқ тортишув, чиллак ўйини, охири шарт — лапар айтишув. Бир ойдан бундан тайёргарлик кўрапмиз.

— Момо, дугоналарингиз келишяпти, — невараларнинг овози эшитилади.

Ҳеч қанча вақт ўтмай маҳалланинг фаол аёллари чақчақлашиб кириб келишади.

— Ота-боболаримиздан қолган удумлар, аъналар, чиройли одатларимиз йўқолиб кетмасин, деяпмиз, — дейди Қўйи Оброн маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олияxon Болтаева. — Бундай ўйлаб қарасақ, ҳар бир удум, халқ ўйинларининг таъмирларида эзгу қадрият бор экан. Фарзандларимиз шуларни ўйнаб, англаб улгайсин дейимиз.

— Олайлик, беш тош ўйини ақлни чарчлайди, чаққонлик, эчкиликка ўргатади, — дейди Мукар аяқ Дўстмуродова. — Арқон тортиш жис-

моний тарбия, кишини чиниқтиради, кейин куч бирликда, бирлашган ўзар, деган тушунчаларни ҳам англайди. Оддамини тирчишиб, тирмашиб яшашга ундайди.

— Уғлим Наврўзда мусобақага қатнашман деб, бир йилдан бундан ҳўроз боқамди, — дея гапни илиб кетди маҳалла маслаҳатчиси Умида Жумақулова. — Илгари бўш қолса, кўчага чиқиб кетарди, энди ҳўроз билан овера. Патларини силайди, дон, сув беради, гаплашади. Баҳонада куш паррандага меҳри уйғонди...

Бир қўлиб, бир жиддийлашиб гурун бераётган аёлларни тинглаб, ҳеч зерикмайсиз. Уларнинг гапларини яна эшитгингиз келаверади.

Энг ёш полвонга Мавлон муаллим кўзимчақ атабди. Комил бўва беш полвонни йиқитган болага мактаб дарсликлари олиб берамиш...

Кўчада қизларнинг шўх-шодон кулгулари, кейин эса ёқимли овозлари эшитилди.

Бойчечаким бойланди,
қозон тўла айрондир.

Айронингдан бермасанг,
қозон товоғинг вайрондир.

Қаттиқ ердан қатала
чиққан бойчечак,

Юмшоқ ердан юмалаб

чиққан бойчечак.

— Лапарчи қизларнинг лапар айтиш шартига тайёргарлик кўришяпти, — изоҳ беради Олия она.

Бугун маҳалланинг қай бир хонадонига ёки кўчасига борманг, байрам, Наврўз тадориғини ҳис этасиз. Ким «кўча оши» қилиб элга улашган, ким сумалак тайёрлаб қўни-қўшнию кексаларнинг кўнглини олган. Наврўз кўни эски гина-кудратлар нуқтилади. Ҳамма ясан-тусан қилиб, кишлоқ этагиди Кўнғиртовга йўл олади. Кўнғиртов ҳам кўм-кўк либосга бурқаниб, элни қутиб олади. Катта дошқозонларда энг тансиқ таомлар пиширилади. Қайвони отахонлар элга, юртга дуо берадилар: «Янги кун қўт-баракали бўлсин».

Аския, айтишув, ўланлар авжига чиқади. Давра кенг олинади, беллашувлар бошланади. Ҳамма-нинг нигоҳи даврада. Қадим қадриятларимизга ҳурмат, меҳр-муҳаббатга, дийдорга ташналик ифодаси бу. Узингга ярашқили феллинг, Наврўздан айланади, элим!

Санобар БОЙМУРОДОВА,
«Mahalla» муҳбири.

ТҲЙГА
ТҲЁНА БИЛАН

— Халқимизнинг умумхалқ ҳашарига бўлган муносабати йил сайин ўзгариб бормоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Долли Аллаев. — Умумхалқ ҳашарида иштирок этмаган кишининг ўзи қолмади, десам муболага бўлмайди. Биргина даъват билан 7 ёшдан 70 ёшгача ҳаммамнинг бирдек ҳашарда иштирок этгани, албатта, эътирофга лойик. Одамлар ҳашарни, энг аввало, хонадонларидан бошлашди. Сўнг кўча, гузар ва маҳаллаларга, истироҳат боғларига далаларга кўчиб чиқишди. Ариқ ва зовурлар тозаланди, янги ниҳоллар экилди. Томорқаларга ишлов берилди. Ҳар бир киши жамоат жойларига чиқиб, кўчатлар ўтказгани, айниқса, кўнгилларни қувонтиради.

Ҳашарчиларга қулайлик яратиш мақсадида энг гавжум жойларда дошқозонларда ош дам-

ланиб, ёрмалар пиширилиб тарқатилди. Кишлоқларда ҳашар янада ўзига хос тарзда ташкил этилди. Кишлоқ одамлари ҳовли жойларини саранжом-саришта қилишлари билан бирга, 660 километрлик ариқ ва лотоклар тозаланди. Боғ-роғлар обод бўшага айлантилди. Гўё одамларнинг кўнглидан губорлар ариди, руҳияти енгиллашди. Буни ҳашар иштирокчиларининг гап-сўзидан, ҳазил-мутуйибасидан англаб олиш қийин эмас эди. Ҳашар йўли билан 13 минг 200 квадрат метр уй-жойлар таъмирланди. 848 нафар эҳтиёжманд оилага мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Минг гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди. Тўйга тўёна билан деганларидек, Қашқадарё эли Наврўз айёмини ана шундай тозариб, эзгу ниятлар билан қарши олмақда.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ЯНГИ ДОВОНЛАРГА ЧОРЛАГАН ТҲЙҒУ

2003 — 2009 йилларда Навоий вилоятда 53 та болалар спорт иншооти куриб битказилди.

Шундан 45 таси (84,9%) кишлоқ ва 8 таси (15,1%) шаҳар ҳудудларида жойлашган. Айниқса, бу спорт иншоотларининг Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 120 хилдаги 743,8 млн. сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлангани бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширди.

Навбахор туманидаги «Бешраб» маҳалласи ҳудудидида жойлашган 9-сонли «Бешраб» болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасига кириб борганимизда, қизлар икки гуруҳга бўлиниб, волейбол билан шуғулланишгаётган экан. Уйин жуда қизғин давом этарди. Қизларнинг юзлари лов-лов ёнар, чехраларидан шижоат ёғилиб турар, ҳаракатлари чаққон ва моҳир спортчиларга хос эди.

Уйин туғаш билан уларни сўхбатга чорладик:

— Кишлоқда яшасангиз, ҳовлида ҳам иш қўл бўлса керак. Сизларни бу ерга нима етаклаб келди?

— Тўғри, ишимиз ҳам, ўқишимиз ҳам кўп. Биз ҳаммасига улгурамиз. Энг муҳими, спорт соғлом бўлишга чаққон ва унумли ишлашимизга ёрдам беради, — дейди волейболчи қизлардан бири Ирода Бобоева. — Спорт билан шуғулланаётганимга 4 йилдан ошган бўлса-да, бу маскандан сира-сира узоклашмайман. Бизни бу ерга спортга бўлган меҳр-муҳаббат етаклаб келди.

Дарвоқе, спортга бўлган қизиқиш ва меҳри бу масканди шуғулланаётган ҳар бир боланинг юзқўздан сезиш қийин эмас.

«Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дустури»га асосан, 2007 йилда фойдаланишга топширилган «Бешраб» болалар спорт мажмуасида тумандаги «Бешраб», «Янги обод», «Кўхрон», «Бурқут» маҳаллаларида жойлашган 1-, 2-, 5-, 34- ҳамда 36- мактаб ўқувчиларидан жамланган 971 нафар (шундан 301 нафари қизлар) болага 30 нафар мураббий (шундан 10 нафари аёллар) спортнинг футбол, волейбол, кўл тўпи, кураш, стол тенниси, бадий гимнастика ва енгил атлетика турлари



Фарҳод МИРЗАЕВ олган сурат

бўйича мунтазам машғулотлар ўтказиб келишмоқда.

— Яратилган шарт-шароит ва имкониятларга яраша қўлга киритилаётган натижалар ҳам чакки эмас, — дея сўз бошлади спорт мажмуаси директори Илхом Ибрагимов. — Ушбу мактабда маҳоратини оширган Бахтиёр Ибрагимов бугунги кунда «Зарафшон» футбол жамоаси ўйинчиларидан бири бўлса, Азиз Абдуллаев «Қизилқум» футбол клубида тўп сурмоқда. Жамшид Намозов эса ушбу жамоанинг ўринбосарлар таркибиди. Олий лига волейбол терма жамоасида Шамсиддин Турсунов ҳамда Фахриддин Жўраевнинг фаолият кўрсатётганидан биз фохрланамиз.

Мазкур спорт мажмуаси томонидан ўтган Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эришилган ютуқлар ҳам салмоқли бўлди. Стол тенниси бўйича Чарос Бозорова «Камолот маликаси» мусобақасининг республика босқичида иштирок этиб, 2-ўринни қўлга киритди. Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан кураш бўйича ўтказилган Республика биринчилигида бешрабчиликларнинг 2 нафари олтин, 4 нафари кумуш медаль билан тақдирланди. 2009 йилда ўтказилган «Умид ниҳоллари» Республика мусобақаси вилоят босқичида иштирок этган

Навбахор тумани ўқувчилари умумжамоа ҳисобида 20 та олтин, 30 та кумуш ва 20 та бронза медалини қўлга киритиб, Навоий шаҳридан кейин иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Бунда туман жамоасининг асосий таркибини «Бешраб»нинг спортчи ёшлари ташкил этгани диққатга сазовордир.

Бундай натижаларга эришишда спорт мажмуаси ҳамда маҳаллаларда тез-тез ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Езги таътил», «Соғлом авлод» — соғлом келажак», «Қувноқ стартлар» ҳамда «Алломиш ва Барчино» каби спорт мусобақалари кишлоқ ёшлари, айниқса, қизларнинг спортга кенг жалб этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ушбу болалар спорт мажмуаси ишга тушгандан бундан утган давр мобайнида маҳаллаларимизда волага етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар умуман содир этилмади, — дейди «Бешраб» Кайшоқ фуқаролар йиғини раиси Сайфулла Қозоқов. — Қолаверса, мажмуанинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, болалар ва ўсмирларнинг спортга бўлган қизиқишлари ортиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланмоқда, бўш вақтлари мазмуунли ўтмоқда.

Ҳақиқатан, кишлоқда яшовчиларнинг спорт билан шуғулланишга вақтлари етишмайдигандек туюлади.

Экин-тикин, мол-ҳол, қурилиш, ободонлаштириш ишлари, эҳ-хе, санайверсанг охири кўринмайди. Бироқ шунча ишлардан ортиб спортга меҳр қўйиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишнинг ҳам ўзига хос гашти, завқи бор.

— 2012 йилда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаси Республика босқичининг вилоятимизда ўтказилиши бизнинг зиммамизга янада катта масъулият юклайди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори Собир Ҳайдаров. — Мусобақаларга тайёргарликни ҳозирданок бошлаб юборганимиз. Юртбошимизнинг болалар спортини ривожлантиришга катта эътибори ва гамжўрликлар туфайли яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ўз самарасини беради, деб ишонамиз.

Ишонч... Бу — инсонни галабага бошловчи энг муҳим омил. Уни юракларга муҳрлашнинг ўзи бўлмайди. Тинимсиз изланиш, шуғулланиш янгидан янги довлардан ошишга куч беради.

«Бешраб» болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси мураббийлари ушбу масканди спорт билан шуғулланаётган ёшларда ана шу тўйғун шакллантириш, уларнинг иродасини мустаҳкамлаш ва маҳоратини ошириш йўлида ҳаммиса изланишлар.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ТАШАБУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

ҲАР БИР ҲОВЛИГА
10 ТА НИҲОЛ

СУЛТОН акани чўрткесар, дангал ва бир сўзлиги учун маҳалладошлари ҳурмат қилади. Маҳаллаи ўз ўйини, аҳолисини яқинларим, ёру дўстларим, деб билади. Улар бирор муаммага дуч келиб қолса, ҳеч қачон ўзини четта олмайдди, масала ижобий ечимини топмагунча тиниб-тинчимайди.

Бундан бир неча йил олдин Султон ака сингари фидойилар «Нурота 60 йиллиги» номли маҳалла ахлига етарли шароитлар яратиш мақсадида кўчаларни асфальтлаш, ичимлик суви ва газлаштириш муаммоларини ечиш ташаббуси билан чиқишди. Бироқ бу кенг қўламли ишлар осонгина ҳал бўлармиди?! Бунинг учун ҳали туман, ҳали вилоят марказига қатнаш, идора-идора елиб-югуриш, ҳужжатлаштириш ишларини ҳал этиш лозим эди. Бу ишлар қанчалик оғир бўлмасин, Султон ака уни ўз зиммасига олди. Керак бўлганда аҳолининг ўзидан, хомийлардан кўмак сўради.

Маҳалла ахли вилоят «Оби ҳаёт» йилловларининг мелиоратив ҳўлатини яхшилаш ташкилотиди 30 йил ишлаб нафақага чиққан Султон акага ишонч билдириб, уни Нурота тумани «Нурота 60 йиллиги» маҳалласига раис этиб сайлашди.

Халқ ишончини оқлаш масъулияти Султон акага бир зум ҳам тинчлик бермай қўйди. Энг аввало, Нурота шароитида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш зарур эди. Узи айнан сув таъминотида ишлаганили Султон акага қўл келди. Маҳаллада бургулаб қўдқ қаздирилиб, 12 км. узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди. Бу аҳолининг хурсандчилигига сабаб бўлди. Кейин эса йўллар асфальтланди, ҳашар йўли билан кўчалар тартибга келтирилди, ободонлаштирилди. Оби ҳаёт кириб борган кўча, хиёбон ва ҳовиллар обод бўлди. Қўқаламзорлаштириш ишлари авж олди.

Маҳалла ва унинг халқи келажиги учун жон куйдириб, ёниб яшаётган Султон аканинг меҳнатлари уша кезлари Давлатимиз раҳбарининг

Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Бугунги кунда «Нурота 60 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди 630 тадан зиёд оила, 3 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

— Худудимизда барпо этилган янги уй-жойлар маҳалламизга янада фазз киритди. Муҳтарам Президентимиз қарорларига асосан, янги намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйларнинг қалитлари яқинда ўз эгаларига топширилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Султон Бўронов. — Жорий йилда яна 20 та уй қурилиши бошлаб юборилади. Халқимиз бундан жуда мамнун.

Бугунги кунда Султон аканинг «Ҳар бир ҳовлига 10 тадан ниҳол ўтказамиз!», деган шiori барча маҳаллаларда татбиқ этилмоқда. Маҳаллани обод этиш, қўқаламзорлаштириш ва ҳар бир хўжалик, ташкилот ҳисобидаги томорқадан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш кун тартибидидаги асосий масалалардан бирига айланган. Илгарилари турли баҳоналар билан томорқасидан фойдаланмасдан келаётган ёки номига беда экиб қўйган фуқаролар ҳам бугунги кунда анча сергак тортишган.

Ҳозирда маҳаллада анча-мунча катта тўйлар ичма, камчиқим ўтаёттир, олди-бердилар камайган. Бу тартиб бузилишининг олдини олиш, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ва томорқа маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар ойнинг 25-санасида маҳалла ахли кенгашади. Бир ойлик ишлар сарҳисоб этилиб, таҳлил қилинади. Тартиб-қоидаларга амалга қилмаганлар танқид остига олинади. Янги хурсандчилигига сабаб бўлди. Уртага ташланади. Кўчабошилларнинг ҳисоб-ташлари тингланади. Муаммоларга дуч келган фуқароларга маҳалла ҳудудиди фаолият юритаётган 14 та фермер хўжалиги томонидан ёрдамлар ташкил этилади. Бир сўз билан айтишганда, муаммолар жойида ҳал этилади.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» муҳбири.

КЎНГИЛЛАР ШОД ЭТИЛДИ

МУРУВВАТ

УМУМХАЛҚ ҳашарида 1 миллион 955 мингдан зиёд аҳоли қатнашган бўлса, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил этди. Ҳашарчилар томонидан 558 минг туп манзарали, 983 минг туп мевали дарахт ўтказилиб, 2593 минг туп гул кўчатлари экилди.



13 март тонги Наманган шаҳридаги 26-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбиячи ва тарбияланувчилари учун одатдигидан ўзгачароқ бошланди. Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан бу ерга бир қатор ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, саховатпеша инсонлар ташриф буюришди.

Айниқса, «UCELL» уяли алоқа компанияси вакиллари, биринчилардан бўлиб, томорқани ободонлаштириш, ерларни чопиш ишларида яқиндан ёрдам бердилар, — дейди «Меҳрибонлик уйи» директори Соҳиббахон Ҳамроқулова. — Уларнинг кўнгли ярим болаларга совға-саломлар улашга-

ни ҳашарга янада байрамон руҳ бахш этди.

Дарҳақиқат, вилоятда умумхалқ хайрия ҳашари эзгу ишларга улашиб кетди. 2782 та эҳтиёжманд оилага 82 миллион сўмдан зиёдроқ мурувват ёрдами кўрсатилди.

Аҳоли хонадонларидан тортиб, кўча ва хиёбонларга кенг қўламли тозалаш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят штабидан берилган маълумотларга кўра, 3944,5 гектар майдон ободонлаштирилиб, 3718,6 тонна маиший ва қурилиш чикиндилари махсус жойларга ташиб чиқарилди. 1779 километр узунликдаги сув йўллари тозаланиб, тартибга келтирилди.

Ҳашарни ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан аниқ режа тузилгани боис, аҳоли уюшқоқлиги кўзга яққол ташланиб турди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Рустамжон Умаров. — Умумхалқ ҳашарида 1 миллион 955 мингдан зиёд аҳоли қатнашган бўлса, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил этди. Ҳашарчилар томонидан 558 минг туп манзарали, 983 минг туп мевали дарахт ўтказилиб, 2593 минг туп гул кўчатлари экилди. Айниқса, ҳашарнинг иккинчи кунини вилоятдаги барча қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди.

Вилоятда умумхалқ ҳашари яқунланган бўлса-да, Наврўз олдига кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган «Юртимни обод этаман», деб номланган акцияда ёшлар фаол қатнашмоқда.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАР ҲУСНИ КЎРКАМЛАШМОҚДА

ЎТган йилнинг июль ойида мамлакатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифидан сўнг вилоятда ободонлаштириш, қурилиш ишларини амалга ошириш, иқтисодиёт ва саноатни ривожлантириш масаласига оид бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинган. Бугунги кунда уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

Айни пайтда вилоят, хусусан, Наманган шаҳри кўрқига кўрк қўшилганки, бундан беш-олти ой аввал кўрган киши шаҳарни таниёлмаслиги аниқ. Чунки қурилаётган ва қайта таъмирланаётган биноу хиёбонлар, йўл ва кўприклар Наманганга янгича қиёфа бахш этмоқда. Бу янгиликлар, айниқса, ёшларни қувонтирди. Хусусан, «Камолот» ёшлар боғи, «Ёшлар маркази»даги жадал қурилиш ишлари уларни янада руҳлантирмоқда.

Бу иншоотларнинг бунёд этилишида ёшларимиз қурувчиларга яқиндан кўмак беришмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши раиси ўринбосари Ойбек Маҳкамов. — «Камолот» етакчилари, талаба-ёшлар билан биргаликда тез-тез ҳашарлар уюштириб, бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Шу билан бирга, барпо этилаётган «Кичкинтой» болалар боғи ҳамда қайта таъмирланаётган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ишлар қизғин бормоқда.

Худудда, айниқса, Наманган шаҳрининг асосан кўпқаватли уйлардан иборат «Давлатобод» даҳасида ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ҳар бир кўпқаватли уйга аҳоли ўртасида ҳурмат-эҳтиборга эга, нуфузли инсонлардан масъул вакиллар бириктирилган бўлиб, улар маҳалла фаоллари, уй бошқарувчилари билан ҳамкорликда таъмирлаш ишларига бошчилик қилляптилар. Аслида бундай ишларга томошабин бўлиб қараб турмай, бевосита уларнинг иштирокисига айланиш шу юрт фарзанди учун ҳам фарз, ҳам қарз, десам янглишмайман, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Олимжон Нуриддинов.

Наманган шаҳридаги Бобур шоҳқўчасининг асосий қисми «Қадам-жой» маҳалла фуқаролар йиғини худудига тўғри келади. Маҳалла оқсоқоли Зокиржон Қаримов тиниб-тинчимас, гайратли инсонлардан. Шоҳқўчанинг икки четида ободонлаштириш ишлари бошланган кундан у маҳалла фаолларини ёнига қорлаб, қурувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.



Маҳалламиздаги ўнга яқин но-

қонуний қурилмаларни буздириб, ўрнини гулзорларга айлантириб, — дейди оқсоқол. — Шунингдек, катта йўл ёқасида жойлашган эски иморатлар ўрнида замонавий лойиҳа асосида 28 та коттеж типидеги тураржой бунёд этиляпти.

Кувонарлиси, вилоят марказидан бошланган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари ҳозир туманлар марказига кўчган. Хусусан, Тўрақўрғон, Наманган, Норин, Янгиқўрғон туманларида ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ишларига киришилди.

Янгиқўрғон шаҳарчасида, асосан, 4 та катта кўча бор, — дейди тумандаги «134-ХМКК» МЧЖ қурувчиси Бозорбой Боймирзаев. — Ҳозир бу кўчаларнинг қай биридан ўтманг, албатта, ободонлашти-

риш жараёнига гувоҳ бўласиз. Аҳоли қураётган уйлар ҳам бири биридан кўркам, замонавий. Мен қурувчи бўлганим учун ҳам ободончиликнинг асоси қурилишда, деб биламан. Шунинг учун янги қад роллаган иморатларни кўрсам, яйраб кетаман. Сўнги 2 йил мобайнида шаҳарчамизда ўндан ортиқ дўкон ва ошоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Марказда муҳташам «Тантаналар мажмуаси» очилди, Янгиқўрғон — Наманган йўли энига 32 метрга кенгайтирилди. Бу каби янгиликларда оз бўлса-да ҳиссам боришидан фахрланаман. Бундай эзгу ишлар бардавом бўлаверсин.

Жамшид БЕК, «Mahalla» муҳбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЭЗГУЛИК ТЕГРАСИДА БАРЧА ҲАМЖИХАТ

Ҳашар халқимизнинг азалий удуми. Бу тadbир қишлоғу маҳаллалар аҳлининг бир-бирини қўллаб-қувватлашадан, ҳар ишда елкадошлигидан дарақ беради. Бундай аҳиллик, айниқса, баҳор фаслида, Наврўз айёми арафасида кенг қулоч ёзади. Халқимиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликларида йўллари, хиёбону боғ-роғларни обод қилишда муносиб ҳисса қўшади. Дарахтларга шакл берилади, таги юмшатилиб, озиклантирилади, янги ниҳоллар экилади. Сув йўллари очилиб, ариқ-зовурлар тозаланади. Бир сўз билан айтганда, кўкламда деҳқоннинг патагига қурт тушади. Чўпон-чўлиқлар отарларга, яйловга отланишади.

Муствақиллик халқимизнинг удумларига янгича мазмун киритди. Эндилкида ҳашар деганда шунчаки ободонлаштириш ишларини эмас, чинакам миллий қадриятларни ифода-даси, меҳр-оқибат ришталари, элнинг жипслигини тушунамиз. Тадбир давомида кам таъминланган, якка-ёлғиз, ёрдамга муҳтож оилаларга инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаб бериш, тартибга келтириш, тарихий қадимжоларни, обидаларни, қабристонларни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шуничи кувонарлики, бундай меҳнат байрамларида ёшларимизнинг иштироки йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боис, жорий йилнинг 13-14 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 1 миллион 300 минг нафардан зиёд аҳоли қатнашди. Натижада 2250 гектар худуд ободонлаштирилди, 2500 километрдан зиёд сув йўллари тозаланди. Икки миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, бир миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди.

Байрам муносабати билан кам таъминланган, якка-ёлғиз, кўп болали оилаларга «Маҳалла» жамғар-



маси вилоят бўлими ҳисобидан 11 миллион 500 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Бундан ташқари, ҳомийлар ҳиммати билан кўрсатилаётган ёрдамлар миқдори 50 миллион сўмга яқинлашиб қолди.

Бу йилги меҳнат баҳорининг ўзига хос томони шундаки, вилоятдаги, айниқса, Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар ободончилигига катта эътибор қаратилди. Жумладан, 1178 та зиёратгоҳ ва қабристон қайта обод этилди.

Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз эътибори билан Самарқанд шаҳри янгича қиёфа касб этаётди. Хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар қадами узилмайдиган, тез-тез халқро анжуманлар ўтказилиб туриладиган кўҳна шаҳарнинг қиёфасини янада замонавийлаштириш давр талабидир, албатта. Шу боис, шаҳар маркази билан Самарқанд халқаро аэропорти оралигидаги йўл реконструкция қилинди. Айни пайтда темир йўл вокзали билан университет хиёбони оралигидаги Беруний, Мирзо Улуғбек но-

мидаги кўчалар кенгайтирилиб, кўркам ҳолга келтириляпти.

Худди шундай янгиликлар Тайқош ва Пастдарғом туманларига чикўш йўлларда ҳам давом эттирилмоқда. Бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишда табиийки, маҳаллалар аҳлининг амалий кўмаги, ҳашарлар қўл келмоқда.

Тарихий обидалар худудларида амалга ошириляётган ишлар хусусида алоҳида тўхталиш лозим. Регистон ансамбли атрофи бугун ўзгача чирой касб этмоқда. Бу ерга номутаносиб жойлаштирилган баҳайбат, темир-бетон иморат олинб, ўрнида кўркам хиёбон ташкил этилди. «Регистон» ҳамда «Тошкент» кўчалари кесишган жойдаги майдонга фавворалар, куч-қудратимиз ҳамда шаҳар рамзи бўлган бир жуфт шер ҳайкали, манзарали дарахтлар уйғунлиги ўзгача салобат бахш этиб турибди.

Шоҳи зинда зиёратгоҳида ободонлаштириш, манзарали дарахтлар экиш, кўкаламзорлаштириш юмушлари давом эттирилмоқда. Умумхалқ ҳашари кунларида бу ерда ҳар қачонгидан кўпроқ хайрли ишлар қилинди. Шаҳар маҳаллалари поёнларининг гайрати улуг аждодларимиз руҳларини шод этган бўлса, ажаб эмас.

ШУКУҲ

БАҒРИ ОСМОН ҚАДАР КЕНГ

ЁШ АВЛОДНИНГ баркамол инсонлар бўлиб вояга етшида миллий қадриятларимиз асосидаги тарбиянинг аҳамияти катта. Миллий анъаналар эса чорвачилик, боғдорчилик, деҳқончилик билан боғлиқ байрамларда, халқ сайил-

ларида, тўй-маросимларда кўпроқ намоён бўлади. Наврўз ана шундай қадриятларга бой байрам сифатида қадрлидир. Унда барча бирдай иштирок этиб, турли ўйин-қулгилар уюштириб яйрашади. Масалан, спорт ўйинларидан қураш, арқон тортиш, тош кўтаришларда маҳалланинг эпчил ва паҳлавон йигитлари аниқланади. Чеварлик, меҳмон қутиш, чой дамлаш, пазандалик одоби билан боғлиқ беллашуларда ба-

лоҳат ёшидаги қизлар катнашади. Ёш келинлар салом бериш, кийинишда, рўзғор тутишда, алла айтишда маҳоратларини намойиш этишади. Улан айтиш, ўйинга тушиш беллашуваридида йигиту қиз, ёшу кекса бирдай даврага тушади. Хўроз ва қўқор уриштириш, кўпқари чопишда табиатга, ҳайвонот оламига ихлоси банд маҳалладошлар маҳоратларини синовдан ўтказишган. Шу билан бирга, ёшлар катталар тажрибасидан, ҳозиржавоб ва эпчиллигидан сабоқ олишган.

Қадим удумларимизни, асосан, ёши улуг боболаримиз, мола-римиздан ўрганамиз. Айниқса, бугун бундай анъана ва қадриятларимиз замиридаги эзгу мақсадлар моҳиятини ёшлар онгига чуқур синдириш лозим. Шундай экан, маҳаллалар фаоллари олдида тарбиявий аҳамияти катта маросим ва қадриятларни тиклаш, ёшларга ўргатишдек масъулиятли вазифа турибди.

Маҳалла кексалари билан кенгашиб, қарияларнинг кўрган-билганларига таянган ҳолда тарихий

удумларимизни аста-секин фарзандларимизга ўргатишни ният қилдик. Шу боис, Наврўз айёми арафасида «Илоҳий неъмат силари» мавзусида «Сумалак сайили» тadbирини ўтказиб келяпмиз. Тадбирни ўтказиш учун, атай пиру бадав-

лат нуронийларнинг Наврўз билан боғлиқ хотиралари, сумалак тайёрлаш жараёнида билганлари билан ўртоқлашдик.

Сумалак қўзғашнинг хосиятини, уни сузганда дастлаб нуронийларга, сайилга кела олмаган беморлар, қариялар, акка-ёлғизларга улашиш меҳр-оқибатдан далолат эканлигини англаб олган фарзандларимиз бу удумларни ҳам аъло даражада бажаришди.

Сумалак сайилида маҳалламиз маслаҳатчиси Шаҳло Даминова, котиба Гулнора Хўжабекова, нуронийлар Наврўз байрами тарихи, сумалак байрамнинг шоҳона таоми экани тўғрисида гапириб беришди. Бу тadbир ёшларда катта таассурот қолдирди. Улар сумалак тайёрлашни ўрганишди. Тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида шу эди. Анъанавий куй-қўшиқлар, миллий либослардаги йигит-қизларимизнинг бадий чикилари сайилга ўзгача шуқу бахш этди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, Наврўз байрами турли миллат вакиллари бир-бирига янада яқинлаштириши билан ҳам қадрлидир. Маҳалламизда ўндан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Сумалак сайилида улар ҳам бир оила аъзоларидек иштирок этишди. Ўз қўшиқларини ижро этишиб, рақсга тушишди. Бу бағри осмон қадар кенг Баҳор ва Наврўзнинг шарофати эди, албатта.

Сайёра МУҲАММАДИЕВА, Самарқанд шаҳридаги «Мингтўт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЯШИЛЛИККА БУРКАНАР ОЛАМ



Бу йил кўклам Сирдарёга ўзгача шуху билан кириб келди. Яшариш ва гўзаллик байрами Наврўз арафасида вилоятда амалга оширилган ишларни санаб адоғига етиш қийин. Сирдарё худудидан ўтайдиган учта катта магистрал йўл четларида икки қатор қилиб экилган арча, клён, чинор, сада, япон сафораси ва бошқа манзарали дарахларни кўриб кўзингиз кувнади. Магистраллар бўйларига бирин-кетин қад ростлаётган ва фойдаланишга топширилаётган хизмат кўрсатиш иншоотлари — ошхоналар, чойхоналар, автомобилларни таъмирлаш устаноналари, ёқилги кўйиш шохобчалари, кемпинглар кечасию кундузи ишлаётган бозорлар йўловчилар ва меҳмонларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Вилоятда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларини мувофиқлаштириш, бу ишларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш мақсадида махсус штаб ташкил этилган. Штаб амалга оширилган ҳар бир ишни атрофлича таҳлил қилиб, Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектлардаги ишларнинг аҳолининг доимий назоратга олган.

Аслида, Сирдарёда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масаласи ҳамма даврларда муҳим вазифалардан саналиб келинган. Айниқса, кейинги йилларда табиати асраб-авайлаш, боғ-роғ яратиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларида жиддий эътибор қаратилди. Мактаблар, лицейлар, коллежлар, Гулистон давлат университетида «Илк қадам», «Битирувчилар боғлари»ни барпо этиш аънағана айланди.



Буларнинг бари экологлар, табиатушнослар, маҳаллалар фаоллари томонидан бу борада кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлигининг самарасидир. «Яшилликка буркансин олам» кўрик-танловининг мунтазам равишда ўтказилиб келинаётгани эса маҳаллаларда яшовчи аҳоли, айниқса, ёшлар онгига табиатга ўзгача муносабатни шакллантиришда муҳим восита бўлмоқда. Ўтган йили кузда вилоятда «Экоҳаракат боғи» яратилди. Бу боғда тез-тез эколог олимлар, табиатушнослар билан маҳаллалар ахли учрашувлари бўлиб туради. Тадбирларда бугун дунё миқёсида энг глобал вазифа — экологияни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш эканлиги, шу боис, қишлоқда, маҳаллада бу масалага оқибатда эътибор бериш, тириклик манбаи бўлган сувни асраш лозимлиги ҳақида тушунириш ишлари

Зеро, томорқаларда кўчат экиб, боғ яратиш, турли қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ҳам бугун халқ фаровонлигининг гаровидир.

«Экоҳаракат боғи» яратилди. Бу боғда тез-тез эколог олимлар, табиатушнослар билан маҳаллалар ахли учрашувлари бўлиб туради. Тадбирларда бугун дунё миқёсида энг глобал вазифа — экологияни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш эканлиги, шу боис, қишлоқда, маҳаллада бу масалага оқибатда эътибор бериш, тириклик манбаи бўлган сувни асраш лозимлиги ҳақида тушунириш ишлари

олиб борилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида ҳам Сирдарёда катта ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, томорқаларда кўчат экиб, боғ яратиш, турли қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ҳам бугун халқ фаровонлигининг гаровидир. Вилоятдаги 350 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ҳар бир хонадонга киришиб, томорқадан фойдаланиш борасида аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришяпти.

Бу йил сирдарёлик томорқа эгалари 13451 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Бугунги кунда улар ўзларининг томорқасида бирор қарич ернинг бўй қолмаслиги учун ҳаракат қилишяпти. Томорқадорлар жорий йилда 1491 гектар майдонга сабзи, 2031 гектар майдонга помидор, 1041 гектар майдонга пиёз, 1726 гектар майдонга полиз экинлари экишни режалаштиришган. Аҳоли томорқаларидаги 446479 туп мева дарахларининг

барчасига шакл берилиб, оқланди, тағлари юмшатилади. Кузда экилган 3405 гектар майдондаги бугдой, пиёз ва бошқа экинлардан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш ҳам режа асосида тўла амалга оширилди. Дарвоқе, вилоятнинг Боёвут, Гулистон туманларидаги баъзи қишлоқларда кузда сепилган исмамоқ уруғининг ҳосили аллақачон йиғиштирилиб, ўрни бошқа экинларни экишга тайёрлаб қўйилди.

Жорий йилда сирдарёлик томорқа эгалари 792 миллион 95 миң сўм даромад қилишни, шунинг 672,5 миллион сўмини экин экишдан, 119 миллион 182 миң сўмини мева сотишдан олишни режалаштирмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Уларнинг хонадонидида қорвасию паррандасидан келадиган даромадини ҳисоблаб кўрсангиз, Наврўз кунларидаги яна ҳам фаровон яшаш ҳақидаги тиллақларининг, албатта, амалга ошишига амин бўласиз.

Гулматон МАМАТОВ, «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими мастул қотиби.

ТАРАДДУД

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

СИРДАРЁЛИКЛАР умумхалқ хайрия ҳашарига катта таратдуд билан келишди. Ҳар бир кўча, хиёбон, йўл бўйлари маҳалла фаоллари, нурунийлар, ёшларга бириктирилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳажми, кўлами анқиравшан кўрсатиб берилди.

Гулистон шаҳрининг «Навбахор» маҳалласида жойлашган «Ноғиронлар уйи»да яшовчи 50 нафар ноғирон ва кам таъминланган оила вакиллари 14 март кун Имом Бухорий мажмуасига зиёратга бориб келиши ташкиллаштирилди.

Ҳашар кунларида вилоятда савобли ишларга бош қўйиш, меҳмурувват ёрдамлари кўрсатиш борасидаги ишлар янада ёрқинроқ намоён бўлди. Уша кунлари 1407 нафар эҳтиёжманд оила ҳолидан хабар олинди, уларнинг 60195 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлари таъмирланди. Бу ишлар учун 30 миллион

103 миң сўм маблағ сарфланди.

Икки кун давомида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳашарда 546,2 миң нафар аҳоли қатнашган бўлса, уларнинг 332,7 миң нафарини ёшлар ташкил этди. Вилоятнинг 1495 гектар майдони ободонлаштирилди, 3382 тонна қурилиш ва маиший чикинди чиқарилди, 1763 километр ариқ ва зовурлар тозаланди, 156 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди.

Ҳайрия ҳашари кунлари мева, манзарали ва тут дарахлари экишга, уларга шакл беришга, гул кўчатлари ўтказишга катта аҳамият берилди.

Март ойида бошланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари апрель ойида ҳам давом эттирилади.

Қ. ИҚМАТОВ, «Маҳалла» жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими етакчи мутахассиси.

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

ОҚСОҚОЛНИНГ ФАЙРАТИ

БУГУНГИ кунда Умат Якубов оқсоқоллик қилаётган Сайхун шаҳарчасида 1385 та оила, 5513 нафар аҳоли яшайди. Шаҳарчада 128 та кам таъминланган оила рўйхатга олинган. Умат ақаниннг бевоқоф раҳбарлигида ҳар бир кам таъминланган оилага шаҳарча ҳудудидаги тадбиркорлар, фермерлар ҳомий сифатида бириктирилган. Ҳомийларнинг кам таъминланган оилалардан ҳолидан мунтазам хабар олиб туриши, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиши оқсоқол ўз назоратига олган. Наврўз байрами арафасида 12 та кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзандлари учун суннат тўйлари ўтказиш режалаштирилган.

Умат ақаниннг ташаббуси ва ташкилотчилиги тўғрисида фермерларни, тадбиркорларни ҳомийликка жалб этган ҳолда шаҳарчадаги 1,5 километр узунликдаги юқори босимли газ қувурлари янгиланди, 2,5 километр масофадаги ичимлик суви қувурлари жорий таъмирланди. Бу ишлар учун ҳомийлар ҳисо-

бидан 3,2 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бундан ташқари, оқсоқол шаҳарча ҳудудидаги мавжуд 3 та мактабда ҳомийларни жалб этган ҳолда 3,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишларининг амалга оширилишига бош-қош бўлди.

Таъкидлаш жоизки, эл-юрт хизмати қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида ёшларни ватанпарварлик, она-юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда яшайётган миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун Умат ақа «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Эл эъзозидидаги оқсоқол Умат Якубов бугунги кунда ҳам фаол, асло тиниб-тинчмайди. Унинг ишига омад, оиласига тотувлик, эл хизматида асло чарчамаслигини тилаб қоламиз.

Мажид МАҲМУДОВ, «Маҳалла» жамғармаси Сайхунбод тумани бўлими раиси.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

ГУЛЗОРГА АЙЛАНГАН ГЎШАЛАР

Истиклол йилларида ташкил топиб, ривожланиб бораётган «Ҳақимобод» маҳалласини ҳозир таниш қийин. Атроф-манзаралар кўзни қувонтиради. Кафтдек текис далаларда майин чайқалаётган яшил майсаларга, оппоқ гулли бодомларга, чиройли оқланган уйларга қараб туриб, кўнглинг ярайди. Қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётган «Ҳақимобод» маҳалласи аслида қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли учта йирик қишлоқнинг бирида жойлашган. Ҳозир бу ерда 3 миң 300 дан зиёд аҳоли 650 хўжаликка бириккан ҳолда яшаб, меҳнат қилмоқда. Маҳалла ҳудудида иккита мактаб, замонавий, касрмонанд коллеж, қишлоқ врачлик пункти, дон ва пахта қабул қилиш масканлари, савдо ҳамда маиший хизмат нуқталари мунтазам ишлаб турибди.

инсон қаерда яшамасин, ўз ҳаётини яхшилаш пайида бўлади. Турмуши, яшаш шароитлари ҳар жиҳатдан тўқис бўлиши чораларини кўради. Ҳақимободликлар ана шундай эзгу ниятлар билан меҳнат қилишмоқда.

қочиришда, шўрни ювишда жуда кўл келаяпти. Ҳозирга қадар миңг тупдан кўпроқ мева ва манзарали кўчат экилди.

«Ҳақимобод» маҳалласи катта йўл ёқасида жойлашган. Туман марказига яқин — ўн бир чакирим. Бир қарашда арзимасдек туюлувчи мана шу иккита имкониётнинг ўзиёқ маҳаллани ривожлантириш ва обод этишда кўл келмоқда. Ҳозир маҳаллада омухта ем билан савдо қиладиган дўкон ташкил этилган хонадонларда қорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Маҳаллада истиқомат қилаётган Нурали Тўхтамишев, Рустам Шайманов, Қоражон Каюмов, Саидали Мирзаев каби пиру бадавлат отахонлар маҳалла ахлининг маслаҳатгўйлари. Чунки улар маҳаллада ўтайдиган кўчани муаммоларни ҳал этишда ҳам уларнинг хизматлари беқиёс. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, маҳалла қошида ташкил этилган комиссиялар ҳам самарали фаолият юргизмоқда. Бунинг барча муаммоларнинг комиссия аъзолари ёки кексаларнинг ара-лашуви ва маслаҳати орқали ҳал этилиши мисолида ҳам кўрса бўлади. Одамлар раисга ҳам, комиссия аъзоларига ҳам чин дилдан ишондилар-да.

Дарҳақиқат, инсон қаерда яшамасин, ўз ҳаётини яхшилаш пайида бўлади. Турмуши, яшаш шароитлари ҳар жиҳатдан тўқис бўлиши чораларини кўради. Ҳақимободликлар ана шундай эзгу ниятлар билан меҳнат қилишмоқда. Улар истиқомат қилаётган маҳалла қисқа фурсатда обод ва чиройли, саранжом-саришта гўшага айланди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

НОВДАЛАРНИ БЕЗАР ФУНЧАЛАР

ШҮЙТИБ денг, дўст, сездирмайгина Сурхонга баҳор келиб қолди. Воҳа узра сибизга, чанқовуз оҳанглари янграб, сайиллар бошланиб кетди.

Авал қир-адирлар, унгулар сезилар-сезилмас яшил ўсма қўйди. Сўнг шабада қанотида чайқалаётган майсалар кўёшга талпина бошлади. Эрталабдан чошгоҳга қадар нами қочаётган ерлардан буг таралиб туради. Кейин бодом шохлари оппоқ, ўрик ва шафтоли новдалари нимғулоби гулларга бурканади. Яшил гилам тўшланмиш боғлар ичра минглаб «сарик тангачалар» — қоқиғуллар сочилади. Ана шундан сўнг, аллақайгадир баҳор излаб ва баҳор истаб кетган қалдирғочлар яна Сурхонга қайта бошлайди. Шўйтиб денг, астагина қурт-қумурскаларни, гиёҳ ва чечакларни, новдаларни, дала-дашларни уйғота-уйғота воҳага баҳор, унга эргашиб Наврўз кириб келади...

Бағрикенг, улуғ ва кўтулғу байрам Сурхон воҳасида ўзгача шуху билан, оммавий тарзда ўтади. У қалбларга эзгуликнинг, яхшиликнинг уруғларини сепа-сепа, мудроқ кўнгуллари уйғота-уйғота келади. Наврўз дилларга сепган саховат уруғлари келгуси йилгача умид бўлиб кўнгуллари нурлантириб туради. Орзулар эса бирин-кетин ижобат бўлиб, ҳаёт ҳақиқатларига айлана боради. Аслида эрта Наврўзнинг бор ҳикмати, хислату фазилати ҳам шунда.

Баҳор келиши билан Сурхон маҳаллаларида ерўчоқлар қазилиб, дошқозонлар ўрнатилади. Учқоқларда олов гуриллай бошлайди. Тансиқ таомлар — сурхонча лочира, кўкпатар, кўксомла, туркманча кўк гуммалар тайёрланади. Маҳалларда чанқовуз, доира, дўмбира садолари тарала бошлайди. Қадим удумга кўра, сурхонликлар сумалак пиширишни сибизга, чанқовуз ёки най, сурнай наволари билан бошлайдилар. Сурхон момолари чаклон келинчақлар хуммалари чечаларни ёнига олиб, сумалак пиширишга киришадилар. Дошқозонлар атрофида уйин-кули қилаётганларга Термиз шаҳридаги «Сурхон соҳили» маҳалласи раиси Умида ая



Норбоева, қизириқлик «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибаси, тумандаги «Наврўз» маҳалласи маслаҳатчиси Улғуз Аҳмедова, термизлик иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, муаллима Муқаддам Мирзаева каби фаол аёллар, нуруний онахонлар бош-қош бўлишади.

Вилоятликлар Наврўзни шарофатли байрам, деб биладилар. Чунки миллат онги ва кўксиде яшаб келаётган урф-одатлар, аънаналар, маросимлар Наврўз шарофати ила яна бир бор ҳаракатга келади. Шу боис, маҳалларда ўтайдиган байрамлар нафақат ўзликнинг, балки меҳр-оқибат ҳамда дўстликнинг ҳам ёрқин намойишига айлиб кетади...

Ана, Термиздаги «Алпомш» маҳалласи оқсоқоли Эшқобил Поёнов маҳалладошларини бир жойга тўплаб, янграётган куй-қўшиқлар жўрлигида даврани қизитяпти. Ҳадемай барчага сурхонча «ёрма ош», яъни ҳалим тортилади.

Ана, «Жўйжангал» маҳалласи раиси Абрай оға Саидов ўзбек оғайнилар билан туркман дўғонларининг бошини бир жойга бириктириб, сайил ўтказяпти. Ўзбекча, туркманчаю қозоқча куй-оҳанглари садоси етти маҳалла нарига ет-яп-

ти. Либослар ранг-баранглигидан кўзлар қамашгудек. Оқсоқолнинг ўзи даврани бошқариб, одамларни руҳлантиряпти.

Бойсуннинг пурвиқор тоғлари пойидаги қишлоқларда, маҳалларда ҳам Наврўз нафаси кезаёттир. Туман маданият уйи қошида ташкил этилган «Қуралай» болалар, «Бойсун» катталар фольклор-этнографик ансамбллари иштирокчилари маҳалладошлар давраларини халқона уйинлар, ажойиб кўшиқлар билан янада фазли этмоқда.

Ангорнинг «Қорақир» массивида улоқ чопилар бошланиб кетди. Ям-яшил майсалар билан безанган қирда юзлаб чавандозлар кўпқарини қизитишяпти. Қизитмай бўладими, ахир, бу йил вилоят ҳокимлиги ва кўп сонли ҳомийлар голибларга жуда катта совринлар қўйишган.

Дарвоқе, аслида Сурхон — этнография макони. Юртбошимиз Термиз давлат университетининг янги биноси очилиши маросимида Сурхондарё моддий ва маънавий маданиятга асос солган ҳудуд эканлигини таъкидлаган эдилар. Бу йилги Наврўз арафасида Сурхоннинг бетақор урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи ҳамда аънавалари, маросимларини ўрганиш орқа-

ли ёшлар онгига етказиш мақсадида Юртбошимизнинг тақлифлари асосида «Сурхондарё — этнографик макон», деб номланган веб-сайт ташкил этилди.

Бу йилги Наврўз Сурхон заминига мўл-кўл қувончлар, омаду зафарлар олиб келди. Сурхондарёни мамлакатимизнинг жанубидаги гавҳарга айлантириши ширини ўртага ташлаган воҳадаги жамоат ташкилотларининг мурожаатидан руҳланган воҳа ахли ҳар бир қишлоқ ва маҳаллани обод этиб, кўкаламзорга айлантириш иштиёқида меҳнат қилиб, ҳашарлар уюштирмоқдалар. Табиат уйғониши арафасида бошланган кўчат экиш ойлигида воҳа бўйлаб юз миңглаб мева ва манзарали кўчатлар ерга қадалди. Хуллас, бу қадим заминни гуллар ортига, обод ва кўркам, чиндан-да мамлакатимизнинг жанубидаги гавҳарига айлантириш ишлари кўтаринки руҳда олиб боришмоқда. Ана шундай хайрли ишларнинг энг кўламдори Термиз шаҳрида бунёд этилаётган замонавий «Бахт уйи» ҳамда 10 миң томошабинга мўлжалланган янги стадион қурилиши бўлмоқда...

Тўра ҚОБИЛОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

ИБРАТЛИ ИШЛАР КЎЗГУСИ

МАХАЛЛА аҳли қалбида ўзаро биродарлик, бирдамлик каби эзгу туйғуларни қарор топтиришда, ёш авлодни миллий урф-одат ва аъёналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда маҳалла маслаҳатчининг хизмати беқиёс. Шу маънода, Тошкент вилояти Пискент туманидаги фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келишаётган. Маслаҳатчилардаги фаоллик, ишга масъулият ҳисси улар фаолияти самарадорлигини ошираётган омиллардан. Ишчанлик, ташаббускорлик хислатларини фаолиятида намоён этаётган маслаҳатчилардан бири Назира Шоматовадир. Айни пайтда у тумандаги «Мўминобод» маҳалласи маслаҳатчиси. Йиғин раиси М.Назирқулов тавсифи асосида иш бошлагани олти йилдан ошди.

— Н. Шоматова маслаҳатчи сифатидаги фаолиятини маҳалла аҳли турмуш тарзини ўрганишдан бошлади, — дейди маҳалла оқсоқоли М. Назирқулов. — У оилаларни ўрганиб чиққач, «Маҳалла кўзгуси» маълумотлар жамланмасини тўзди. Кўзгуда маҳалланинг харитасидан тортиб, кимнинг қандай яшаётгани, қандай меҳнат билан шуғулланаётгани тўғрисидаги барча маълумотлар акс этган. «Маҳалла кўзгуси» билан танишган киши, маҳалла ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади. Унинг таърифи тўла ҳақиқат бўлишига шубҳасиз. Назирқулов ҳамда «Маҳалла кўзгуси» жамғармасининг туман бўлини раиси С.Валихановга манзур бўлиб, тумандаги 15 та фуқаролар йиғинларида ҳам «Маҳалла кўзгуси» жорий этилди. Ўз вазифасини бекаму кўст адо этиб келаётган Н.Шоматова бугун туман маслаҳатчилари кенгаши раиси ҳамдир.

— Кенгашимиз томонидан жамғарма мутасаддилари ва ҳамкор ташкилотлар кўмағида туман маслаҳатчиларининг ҳафталик ўқув-семинар йиғилишлари ташкил эти-

лади, — дейди Назира Шоматова. — Семинарларда маслаҳатчилар хонасини жиҳозлаш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни қайд этиб бориш тартиби, умуман, маслаҳатчи аҳоли билан, айниқса, хотин-қизлар билан қай тартибда иш олиб бориши муҳокама этилади. Маҳаллаларда оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари ҳам эътибордан четда эмас.

Н. Шоматованинг айтишича, энди оила қураётган ёшлар ўртасида қонуний никоҳнинг афзалликлари хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб борилаётгани катта самара бераётган. Айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ота-оналар ва ёшлар иштирокида «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги асосида ўтказилаётган тадбирлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалла аҳли ва мактабнинг юқори синф ўқувчилари билан ўтказилган «Уч авлод учрашуви» тадбирида кекса, ўрта авлод ва турмуш қуриш оstonасида турган ёш авлод иштирок этиб, ҳаётий тажрибага эга бўлган отахон ва онахонлар ўз турмуш тажрибаларидан гапирсалар, ўрта авлод вақиллари келинлик ва кўвлик шарафига муяссар бўлишда ахлоқ ва одоб қоидалари, бола тарбияси, уй-рўзгор ишларида қайнанага таяниш, ўзаро ҳурмат, оила устуни бўлган эрақнинг ўрни ва вазифаси ҳақида ёшларга маслаҳатлар берадилар.

Н. Шоматова амалга ошираётган ишлар юқори баҳоланиб, у 2007 йилда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-урини, республика босқичида 2-урини қўлга киритди. Жорий йилда у фаолиятини изчил давом эттириш билан бирга, ёшлар камолоти, манфати йўлида қатор хайрли ишларни амалга ошириш ниятида.

ТАЪСИРЧАН ТАРҒИБОТНИНГ САМАРАСИ БЎЛАДИ

Маҳаллаларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маънавий мероси асосида ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида турли хил кўрик-танловлар, тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинаётган. Айтиш жоизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинлари қошида тузилган «Етакчилар кенгаши» бу борадаги ишлар самарадорлигини оширмоқда. Кенгаш аъзолари, йиғин раислари (оқсоқоллари), маслаҳатчилар ва фаоллар ташаббуси билан маҳаллаларда ота-оналар, мактаб маъмурияти, устоз мураббийлар кўмағида ёшлар таълим-тарбиясини оширишга қаратилган маънавий-маърифий мавзулардаги учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади.

Тажрибамдан биламанки, аҳолини, ёшларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган, ҳамжиҳатликка даъват этадиган омил — таъсирчан, тарбиявий аҳамиятга молик тадбирлар учрашувлар. Боси, бундай тадбирларда ёшлар ҳам фаол иштирок этиб, уюшқоқлик, бирдамлик, яқдилликдаги ишнинг ҳикмати беқиёс эканлигини англаб етишаётган. Ёшларимиз, аввало, ўз оиласи, маҳалласи ва тахсил олаётган мактабда тарбия олади. Шу боис, вилоятдаги барча шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлик маркази ташкил этилган. Айниқса, Қўрай туманидаги «Май» ва «Янгибод» қишлоқ



Ёшлар эртанги кун эгалари. Шу боис, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар эгалашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришда жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватлаш қилинаётган. Ўтган давр мобайнида 12 мингдан зиёд ёшлар бўлим ҳисобидан юртимизда театр, музей ва тарихий қадимжоларни зиёрат қилдирилган. Бу тадбирлар ёшларда умуминсоний фазилятларнинг шаклланишига хизмат қилди. Ҳар

бир туман ва шаҳардаги ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1063 нафар ёш оиланинг никоҳ тўйида ўтказиб берилди. Бу тадбирларга жамғарма томонидан 12 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ана шундай хайрли, савобли ишлар аҳоли ўртасида ўзаро аҳиллик, бирдамликнинг қарор топганидан далолатдир. Шунингдек, йиғинларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажиги», «Камолот» шахмат тахтаси, «Камолот» клуби каби спорт турнирларининг ўтказилаётгани ёшлар қалбида аҳиллик ҳиссини ўйготаяпти, десам муболаға бўлмайдими.

Жорий Баркамол авлод йили муносабати билан январь-февраль ойи давомида жамғарманинг вилоят бўлими ҳамда ҳудудий бўлиmlар томонидан амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири — «Юксак маънавият — енгилмас куч» шiori остида 236 та фуқаролар йиғинида «Эҳтиёт бўлинг мултифильм», «Экрандаги олабўжи», «Алло, огоҳ бўлинг» мавзуларида ўтказилган тадбирлардир. Эътиборлиси, бу тадбирлар давомида ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, йиғинлар фаолларининг мазмунли мавзулари билан бирга, видео дисклардаги тасвирлардан фойдаланилгани яхши самара бераётган.

Айтиш жоизки, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ўтказилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари аҳолини ҳамжиҳатликка, бирдамликка, уюшқоқликка даъват этиши, шубҳасиздир.

Зулхумор Жўраева, «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси.



ФАРҒОНА вилояти МИРИШКОРЛАР МЕҲНАТИДА БАРАКА БОР

Риштон туманининг «Хуррамобод» маҳалласида йўлингиз тушса, бу маскандагина қанақам миришкорлар истиқомат қилаётганига гувоҳ бўласиз. Қирқ йиллик педагогик тажрибага эга, халқ таълими аълочиси Сайфиддин Иноявчиликни ҳам яхши йўлга қўйишган. Маҳалладаги ҳар бир хонадонда икки-уч бошдан қорамол парваришланади.

«Хуррамобод»даги тахсинга лойиқ ишлардан бири шуки, маҳалла ўзининг жамғармасига эга. Маҳалла ҳудудидан 10 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Фермерлар ихтиёридаги 400 гектар майдоннинг ярмида галла етиштирилади. Галладан бўшаган майдонда такрорий экин экиш эвазига иқтисодий аҳолини мустаҳкамлаш учун ҳар бир фермер ўз еридан бир гектарини маҳаллага ажратиб беради. Айтиш керакики, маҳалла аҳли ҳашар орқали бу майдонлардан йилдан-йилга баракали ҳосил кўтаришяпти. Яратилган хирмон эса махсус комиссия иштирокида сотилиб, маҳалланинг ҳисобига тушириляпти. Бу маблағ маҳалладаги амалга оширилаётган хайрли ишларга йўналтирилоқда. Жумладан, маҳалладаги 29-умумтаълим мактабининг энг аълочи ўқувчиларига шу маблағ

ҳисобидан ҳар ойда 70 минг сўм миқдоридан стипендия берилляпти. Наврўз байрами арафасида маҳалладаги кам таъминланган 25 та оиланинг ҳар бирига коммунал тўловдан қарздорлигини қамайтириш мақсадида пул ўтказилди. Мактабгача таълим муассасида тарбияланаётган 30 нафар кичкинтойга бадал тўлови учун ҳар ойда 400 минг сўм пул маблағи маҳалла ҳисобидан тўланапти.

— Маҳалламизда яхши бир аъёна сақланиб қолганки, буни мен ҳаммаша фахр билан тилга оламан, — дейди маҳалла оқсоқоли Сайфиддин Иноятов. — Ҳашар дейилса, маҳалладошларимиз ёпирилиб келади. Кўз кўрқоқ, қўл ботир, деганларидек аввалига бажариш қийиндек туюлган ҳар қандай юмуш маҳалладошларимиз ҳаракати билан хамирдан қил суғургандек битида. Бундан тўрт йил аввал 1,5 гектар майдонда бoғ яратдик. Аввалига, бу ерда экилган кўчатларнинг мева беришига кўпчилик ишонмади. Шуқрики, кўпчиликнинг меҳнати билан экилган 1600 туп шафтоли кўчати дастлабки ҳосилни берибди. Ўтган йили ундан 4 миллион сўм даромад олдик. Бу маблағнинг бир қисмига 95 ёшли Мирзахон бобо Ҳамдамовнинг уйини таъмирлаб, но-

гирон Машраб Мелибоевга уй қуриб берилди. Маҳалла гузарни ҳам ҳашар йўли билан битказилди.

Суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, ўтган саккиз йил мобайнида халқ кучи, меҳнати билан 150 миллион сўм маблағ жамғарилиб, маҳалла учун ҳаражат қилинибди. Масалан, 230 метр чуқурликдан тоза ичимлик суви чиқарилиб, маҳалладаги 400 та хўжаликнинг эҳтиёжи қондирилди. Ўтган йили 3 миллион сўмга «РАФ» русумли микроавтобус сотиб олинди ва маҳалла аҳолиси ушбу транспорт воситасида туман марказига бепул бориб-келиши йўлга қўйилди. 1 гектар майдонда ўйингоҳ барпо этилиб, маҳалла ёшлари бугунги кунда бу ерда спортнинг 4 та тури билан мунтазам шуғулланиб келишяпти. Маҳалланинг ички йўлларида 3 километри асфальтланди, 2 километрига шағал ётқизилди.

Март ойи — деҳқончилик ва боғдорчилик учун муҳим давр ҳисобланади. Шу сабабли айни кунларда хуррамободликлар қизгин иш палласида. Маҳаллада бирорта бекор юрган кишини учратмайсиз. Деҳқончиликдан мўл ҳосил олиш учун ер ости зах сувларини қочириб талаб этилишини яхши тушуниб маҳалла аҳли яқинда 10 минг метр узунликдаги зовур-ариқни тозалашди. Наврўз арафасида ташкил этилган умумхалқ ҳашарида ҳам кўаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Кўча ва йўлақлар, гузар ҳамда қабристонлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Энг муҳими, маҳалла аҳли боқимандиликдан ҳалос бўлган. Улар муваффақиятнинг асосий қалити ўзаро ҳамжиҳатликда эканини яхши билишди. Хуррамободликларнинг бу йилги мақсади маҳалла даромадини 20 миллион сўмдан ошириш.

Ҳа, маҳалла боғида Наврўз арафасида амалга оширилётган ишлар кузга бориб ўзининг ижобий натижасини кўрсатади, албатта. Зеро, маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигида даромад тўплаб, уни эзгу ва хайрли ишларга сарф қилаётган фуқаролар йиғинининг ибратли ишлари натижасида маҳалладаги барча муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Азамат МАХМУДОВ, «Mahalla» муҳбири.

ЭЪТИБОР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

НАВРЎЗНИ кўтаринки руҳда кўтиб олиш, байрам арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш мақсадида жорий йилнинг 13-14 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари Фарғона вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди. Ҳашарда иштирок этган 1,9 миллиондан ортиқ фуқаролар томонидан 3 минг гектарга яқин майдон, 743 та зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилиб, 6 минг тоннага яқин чиқинди чиқариб ташланди. Бундан ташқари, 2740 километр узунликдаги ариқлар тозаланди. Кўаламзорлаштириш мақсадида 1213567 туп турли хил гул кўчатлари ўтказилди, 228701

туп дарахтларга шакл берилди. Ҳашар йўли билан кам таъминланган хонадонларнинг уй-жойлари таъмирланиб, эҳтиёткорлик оилаларга ҳомиёлар томонидан 67259 минг сўм миқдорда мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шу кун «Маҳалла» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси А.Олбарсов Кува туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида уй шароитида тахсил олаётган ногирон Турсунбой Эргашевага компьютер жамланмасини совға қилди.

Нилуфар КАРИМОВА, «Маҳалла» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими бош мутахассиси.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН ЧЕТДА ТУРМАЙМИЗ

МАХАЛЛАМИЗ Кўкон шаҳрининг навқирон мавзеларидан бири бўлиб, бугунги кунда бу ерда уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладди. Айтиш жоизки, маҳалламиз истиқлол йилларида янада чирой очди. Илгари экин майдони бўлган маҳалла ҳудудидан қисқа вақт ичида юз берган ўзгаришларни қўриб, дилингиз яйрайди. Бири бирдан кўркли, барча қулайликларга эга уй-жойларга, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаларини савдо дўконларига кўз ташларкансиз, аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бораётганини юракдан ҳис этасиз.

Аҳолимиз аҳил, ҳамжиҳат. Хайрли ишларга каттаю кичик бош қўлишга тайёр. Ўтган йили маҳалла аҳлига замонавий идора, шунга монанд гузар қуриш тақлифини билдирган эдим. Таклифим барчага маъқул тушди. Биров маблағ берди, биров қурилишда қатнашди, яна биров ҳашарчиларнинг ош-сувидан хабар олиб турди. Етти ой деганда умумий қиймати 55 миллион сўмлик идора биносига эга бўлдик. Хоналаримизни жиҳозлашда шаҳар ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг Кўкон шаҳар бўлини маси яқиндан ёрдам кўрсатди. Ҳашар йўли билан хизмат кўрсатиш шо-

хобчаларини ўзида жамлаган маҳалла гузарини ҳам ишга туширдик. Маҳаллада ободончилик ишлари бир маромада олиб борилмоқда. Табиий газ, ичимлик суви билан ҳар бир хонадон баҳраманд. Маҳалла фаолларининг кўмағи билан коммунал тўловлардан қарздорликни кескин қаммайтиришга эришдик. Маҳалла ҳудудидан мавжуд 16 та кўчага асфальт ётқизишда шаҳар ҳокимлиги бош-қош бўлди. Янги иш ўринлари яратишда маҳалламиз тадбиркорларининг алоҳида хизмати бор. А.Ўқтамов, Г.А.Зимова ва А.Носиров каби ишбилармонларимиз ташкил этган кичик корхона ҳамда фирмаларда шу йилнинг ўзида 20 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Хуллас, тилга олса арзигулик ишларимиз ҳам, йил давомида амалга оширишни мўлжаллаб қўйган юмушларимиз ҳам бир талай. Уларни амалга ошириш йўлида фуқароларимиз шижоат билан меҳнат қилишаётган.

Исроилжон МАХМУДОВ, Кўкон шаҳридаги «Сунбула» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ХОРАЗМ вилояти

ҲИММАТДА ҲАМ ҲИКМАТ МУЖАССАМ

ТАДБИРКОРЛАР КЎМАГИ

«ГУЛЗОР» маҳалласи Урганч шаҳрининг қоқ марказида жойлашган. Оқсоқол Аҳмадjon Тиллаев баҳор, ёз фаслларида маҳалланинг чекка ҳудудларидаги ариқларга сув етиб бормаслигидан, дарахтлар, тоқлар, гуллар яхши униб-ўсмаётганидан куюниб, бирор чора-тадбир кўриш ҳақида ўйлаб ўтиришда хонасига тадбиркор Қадимбой Бекматов кириб келди. Аҳмадjon акадан муаммони эшитган:

— Биз бормиз, оқсоқол бува! Сиз ҳеч ташвиш чекманг, — деди. Хуллас, тезда маҳалла ҳудудидан ўтган Қирғизёп каналидан иккита электр насоси орқали кўшимча сув олиниб, чекка кўчалар ҳам сув билан таъминланди. Маҳалладаги Абдулла Қодирий кўчасида яшовчи Ҳабиб Ҳофизовнинг уйи ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси анча таъмирталаб эди. Тадбиркорлар, фаоллар қараб туришмади. «Йиғин биноси ҳамма-мизнинг уйимиз. Уни энг намунали йиғин биносига айлантирамиз!» дейишди улар. Шундай бўлди ҳам. Ҳозир йиғин биносини кўрсангиз, дилингиз яйрайди.

Маҳаллада Мунаввара Жумабоева новвойхона, Темир Саидов автомобилларга хизмат кўрсатиш шохбасини ишга туширди. Илҳом Мадраҳимов паррандачилик қорхонасига асос солиб, 5 нафар маҳалладошига иш ўрни яратди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Зеро, бугун муаммолар маҳалла бағрида ечим топаётгани унинг обрўси, мавқеи, нуфузи, жамиятдаги ўрни янада ошироқда. Ҳўз навбатиде, бу имкониятлар Наврўзни шодийна давраларда кўнгилли ўтказишда ҳам муҳим омил бўлади.



Тадбиркорлар ҳиммати, айниқса, Наврўз айёмида кўпроқ намоён бўлади, — дейди Хоразм вилояти Хонка тумани Сарапаён қишлоғидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Тадбиркорлик ва иш билан бандлик комиссияси раиси Отабой Раҳимов.

Бу гапни Отабой ака бежиз айтмади. Сарапаёнда ўз элига, юртига, маҳалладошларига меҳри баланд тадбиркорлар кўп. Шулардан бири Қодирберган Қаримов. У ишчан, ташаббускор, серғайрат, ташкилотчи йиғит. Ахдида маҳкам, айтган сўзининг устидан чиқади. «Гулистон» маҳалласи марказида гузар қуриш ташаббуси билан чиққан эди. Бу хайрли

ташаббус маҳалла аҳлига ҳам, туман раҳбарларига ҳам маъқул тушди. Қодирберган гайрат билан ишга киришди. Ҳар томонлама кўркам, чиройли, ҳавас қилса арзуғилик гузар бунёд этилишига бош-қош бўлди. Гузар таркибиде тўйхона, маиший, савдо хизмат кўрсатиш шохбаслари, донни қайта ишлаб ун чиқарадиган тегиримон, кичик бозорча фаолият кўрсатмоқда.

Фермер Одилбой Рўзमतов пахта, дон, полиз, сабзавот маҳсулотларидан юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Тадбиркорлар, фермерлар ҳиммати билан қишлоқ гуллаб яшнамоқда. Замонавий коллеж, умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пункти, спорт мажмуаси маҳалла аҳли хизматида.

Тадбиркорлар нафақат янги иш ўринлари очилиши, балки яқка-ёлғизлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, ҳар йили Наврўз байрамининг кўнгилли ўтишида ҳам ҳиммат кўрсатиб, шахсий жамағармасидан моддий ёрдам бериб келяпти. Бу йилги Наврўз ҳам шундай хайрли амалларга бой бўлади. Саодат момо Рўзматов хонадонидеги сумалак оқшоми, унда Роҳат халфа хонишларига ёш-у қарининг ўйинга тушишлари, уруш ва меҳнат фахрийси Ёвқоч бобо Абдуллаевнинг 90 ёши маҳалладошлари даврасида шоду хуррамлик билан нишонланиши, машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Ҳожиқон Болтаевнинг Сарапаёндаги уй музейига ташриф, уч жойда ҳовли, икки хонадонда никоҳ тўйлари ўтказилиши Наврўз қувончларига қувонч қўшади.

— Наврўз қадим қадриятлар байрами, — дейди «Гулистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Уринбой Польшов. — Ўтганларни хотирлаш, ёдга олиш ҳам фарз, ҳам савоб. Наврўз кунларида эл-юрт равнақи, фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, ўзларидан нури излар қолдирган Аҳмадjon Ёсупов, Исмоил Шарипов, Ҳўжаёз Собиров, Саъдулла Қаландаров, Сафо Ғойибов каби марҳум маҳалладошларимиз қабрларини зиёрат қиламиз. Тадбиркорлик ва иш билан бандлик комиссияси аъзолари маҳалла қабристонини обод қилишдек хайрли ишга бош бўлишади. Биз комиссия фаолиятдан мамнунмиз. Улар қишлоғимиз, маҳалламиз кўрк-у таровати, турмуш фаровонлигини оширишга ўзига хос ҳисса қўшиптилар. Байрам арафаси комиссия аъзолари савий-ҳаракатлари билан уч нафар яқка-ёлғизларнинг хавлилари таъмирлаб берилди. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, элпарвар инсон Отабой ака Раҳимов бошчилигида бу комиссия йиғинимизнинг қўлу қаноти. Улар билан ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

ИШ БИЛАНГА, БАЛЛИ!

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ



БУ ХАЗИНАНИ дастлаб Богот туманидаги «Нурафшон» маҳалласида истиқомат қилувчи Рашид Собиров топди. Топди-ю, бироқ уни баъзиларга ўхшаб яшириб ўтирмади. Қўни-қўшнига ошкор этди: «Мен ажойиб бир ганжи-нали бўлдим. Агар хоҳласангиз сизлар ҳам унга эга бўлишингиз мумкин». Унинг саховатга йўғрилган сўзлари, қўни-қўшниси ҳақида қайғуриб, қўнчилик билан билдирган фикрлари бошқалар турмушини ҳам нурафшон этди.

Рашид ака қандай хазинага дуч келганини зукко муштарийлар ағлаб етган бўлсалар керак. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда келтирадиган бу хазина паррандачиликдир. Ахир, паррандачиликни етти хазинанинг бири, деб бежиз эътироф этишмаган. Негаки, озгина диққат-эътибор ва иштиёқ билан ишга киришилса бас. Сал фурсат ўтмай ҳақиқий хазинага эга бўласиз. Тухум ва парранда гўшти нафақат ўзингиз, балки бошқаларнинг ҳам дастурхонини бежайди. Бундай баракали ишга бош-қош бўлган Рашид Собиров фикримизни тасдиқлайди:

— Бундан икки йил муқаддам 20 дона жұжа сотиб олиб, яши-лаб парваришладим, асраш, бо-

қиш сир-асрорини эринмай ўргандим. Бир йил ичида паррандалар сони юздан ошди. Ҳозир 200 тага етди. Ўзингиз ҳисоблаб кўраверинг: оиламиздан орттириб қунига 100 дона тухум сотганимизда ҳам бир ойда ярим миллиондан зиёд даромад қиламиз. Ҳали, парранда гўшти бу ҳисобга кирмайди. Шукр, паррандачилик орқасидан рўзгоримиз бут. Лекин ҳар бир соҳанинг ўз қийинчилиги бор. Бир ойда 20 дона тухум берадиган товуқнинг озукиси таркибиде арпа, бугдой, макжаўхори, суюқ уни, ош тузи, сабзи, шолғом, лаглави ва 30-40 граммгача кўк ўт бўлиши керак. Ана шундигина муваффақиятга эришиш мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азимбой Авазов парранда асраш истагида бўлган хўжаликлар сони йилдан-йилга ошиб бораётганини айтади. Тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан парранда асраётган хонадонларга арзон озуқа етказиб бериш йўлга қўйилганини таъкидлайди. Мўҳими, тадбиркорлар Наврўз байрами шодийналарининг файзли ўтишида саховатларини аяшмаётган экан.

Абдулла САФОЕВ, «Mahalla» муҳбири.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Оқсоқол бўлишнинг масъулияти залворли. Маҳалладошларим мени оқсоқол этиб сайлаганида, уларнинг билдирган ишонч ва ҳурматидан қувондим. Шу билан зиммамдаги улкан масъулиятни ҳам ҳис этдим.

Маҳалла катта бир оилаки, унинг ташвишлари, муаммолари ҳам шунга яраша. Фуқаролар қайси масалада муурожаат қилишмасин, уларга имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Чунки уларнинг тинч-тотувлиги бизнинг ютуғимиз, таъбир жоиз бўлса, фаровонлигимиз ва осойишталигимизнинг гарови.

Маҳалламиз аҳли, асосан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Шу боис, кўчабошилари, сардорларнинг бу борадаги хизмати катта. Ҳудудимизга ким келиб кетиши доимо улар назоратида.

Одатда, ёмон иллатлар, жанжаллар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис, биз ишсиз юрган фуқароларни йиғиб кимнинг қўлида қандай касб-хунари борлигини аниқладик. Натихада 18 нафар фуқарони иш билан таъминлашга эришдик. Таъкидлаш жоизки, маҳалламизда қўлигул усталарнинг борлиги ишсизлар сонининг камайишида муҳим омил бўлаётди. Масалан, ўймакорлик ва мебеллар ясаш билан шуғулланувчи Ёқуб ака Аҳмедовнинг шогирдлари талайгина. Қувонарлиси, улар ясаган дераза ромлари, стол-стул, қўйинги, уй-жой учун зарур бўлган барча жиҳозларни маҳалла аҳли энди ўзимиздан харид қилишади. Ҳатто қўшни маҳаллалардан ҳам талаб тушаётгани иш сифатининг яхшилиги белгиси. Улардан жуда юрсандман, чаққон, меҳнатсевар йиғитлар, уларнинг полими, шифтими, шифер қоқишми — ҳамма ишининг удрасидан чиқшади. Айниқса, ёшларнинг бу хунарга жалб қилингани бекорчиликдан келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олмақда.

Маҳалламизда 20 дан зиёд тадбиркор бор. Улар байрам тадбири дейсизми, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш-

ми — доимо хизматда. Ҳудудимизда кам таъминланган оилалар ҳам йўқ эмас. Уларнинг шароитини ҳисобга олиб, йиғирма хонадонга коммунал хизмат тўловларини тўлашга ёрдам бердик. Маҳалламизда ҳамма бир-бирини жуда яхши танийди. Ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан тез-тез хабар олиб тураемиз. Бундан ташқари, байрамларда тадбирлар уюштириб, уларга совғалар улашилади.

Бугунги кунда маҳалламизда 5400 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборатлиги боис, «Гибҳандлик аср вабоси», «Одам савдосига қаршимиз», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларида тез-тез давра суҳбатлари ташкил этиб турилади. Ёш оила ҳамда хотин-қизларимиз учун ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида тушунтириш ва маслаҳат ишлари белгиланган. Бу тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Наврўз байрамига маҳалламизда алоҳида тайёргарлик кўрилади. Ўтказилган умумхалқ ҳашарида маҳалламиз ҳудуди тозаланди, кўча четларига мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари ўтказилди. Маҳалла аҳли билан келишиб, ҳомийлар ёрдамида кўчаларга асфальт ётқизилди.

Маҳаллага кираверишдаги мўъжаз гузаримиз ҳаммиса одамлар билан гавжум. Барча тадбири байрамларни шу ерда нишонлаймиз. Бошқа кунлари эса бу ерда пиру бадавлат отахонларимиз дам олиб, бир пиёла чой устида суҳбатлашади. Бир муаммо юзасидан маслаҳатга эҳтиёж туғилиб қолса, дарҳол уларга муурожаат қиламан. Халқимизда: «Маслаҳатли бўй тарқамас», деган нақл бор. Кўпчилигининг фикри яхши натижа бериши ҳаммамизнинг тажрибамиздан маълум.

Азиз АЛИМОВ, Юнусобод туманидаги «Умид» маҳалласи оқсоқоли.

ТОШКЕНТ шаҳри

«БИРЛАШГАН»ДА БИРЛИК УСТУВОР



Хашар азал-азалдан инсонларни бир-бирига яқинлаштирадиган, ўзаро ҳурмат-иззат руҳида тарбиялайдиган тадбир ҳисобланган. Бу аъёна бугун ҳам давом этаётди. Умумхалқ хайрия ҳамда бизнинг маҳалламизда ҳам уюшқоқлик, аҳиллик ва ҳам-жиҳатлик асосида ўтди. Ҳашарнинг биринчи кунда кўча ва йўлақлар, ариғу лотоклар тозаланди, дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилди. Бу ишларда ёши улуглар, фаоллар билан бир қаторда, ёшлар ҳам иштирок этишди. Улар биргалашиб, кексалар, ёлғиз қариялар уйларини таъмирлаб, ҳовли-жойини тартибга солишди. Масжид, мактаб атрофлари супуриб-сидирилди. Бу ишларнинг уюшқоқлик билан амалга оширилишида «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинма-

си, йиғин мутасаддилари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ўз кўмаklarини аяшмади.

Ҳамза туманидаги «Бирлашган» маҳалламизда истиқомат қилаётган 4 минг нафардан зиёд аҳоли қўни-қўшни, дўсту биродар, қариндош-уруғ, хаста-бекморлар ҳолидан хабар олишдек олийҳиммат юмушларни қанда қилишмади.

Бу каби савобли ишларда жамғарма мутасаддилари, маҳалла-ми тадбиркорларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар байрам арафасида маҳалламизга келиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига совға-саломлар улашишади. Маҳалламизда истиқомат қилаётган Равшан Тўхтаевнинг ўзи 2-гурӯх ногирони, умр йўлдошининг ҳам имконияти чекланган. Ўтган йили

бу оилага жамғарма томонидан ногиронлик аравачиси ҳада этиланди. Бу йил ҳам бундай инсонлар эътибордан четда қолмайди.

Шуни ҳам мамнуният билан таъкидлашни истардимки, ёшлар манфаати йўлидаги ишларни амалга ошириш биринчи галдаги вазифаларимиз сирасига кирди. Жорий Баркамол авлод йилида йиғин мутасаддилари билан кенгашиб, маҳалланин ички дастурини ишлаб чиқдик ва шу асосда қатор хайрли ишлар қилинати. Маҳалла қошида фаолият олиб бораётган «Бувижоним мактаби», «Моҳир қўллар», деб номланган тўғарақда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишга фикримиз исботидир. Улар бу ерда дарсдан ташқари тикши-биचши, пишириқлар тайёрлаш, каштачилик, зардўзлик касб-хунарларини «Устоз — шогирд»

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳузур-ида ҳашарни ўтказиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳидан олинган маълумотларга кўра, умумхалқ ҳашарида 1 миллиондан зиёд пойтахтликлар иштирок этди. Уларнинг асариятини ёшлар ташкил қилди. Ҳашарчиларнинг куч-ғайрати билан 1324 гектар майдон ободонлаштирилди, 744 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Янгидан экилган дарахт ва гул кўчатлари сони 300 минг тупга яқинлашиб қолди. Бундан ташқари, пойтахтимиздаги барча зиёратгоҳ ва қабристонларда ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

Ҳашар йўли билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 8 минг квадрат метр уй-жойлари таъмирлаб берилди, 837 та оилага моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Лола ҚОСИМОВА, Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги «Бирлашган» маҳалласи маслаҳатчиси.



БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ФАРЗАНДЛАР БАХТИ — ЮРТНИНГ ИҚБОЛИ

< [1]

2010 йилда ҳам Республикамиз маҳаллаларидаги мавжуд ва янгидан барпо этилган болалар спорт майдончаларида ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгилаштириш ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳаллаларда болалар спорт майдончалари мониторингини ҳам ўтказиш ишлари ҳам жорий этилган, — дейди "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Республика бошқаруви мутахассиси Абдумурод Азизов.

Дарҳақиқат, илгари ҳам жойларда болалар майдончалари бўлган. Бироқ уларнинг аксарияти замон талабларига жавоб бермасди. Баъзан қайсидир "ишбилармон" майдонча ўрнида ноқонуний иншоот барпо этиб, бу ердан ўз манфаати йўлида фойдаланарди. Кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларга барҳам берилди. Айниқса, 2010 йилнинг Барқамол авлод йили деб эълон қилиниши, бу борадаги ишларнинг самардорлигини янада оширмоқда. Ёш авлоднинг жисмонан чиниктиришга, шунингдек оммавий спортни ривожлантиришга, чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалар бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 10 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида

Президентимиз "Ўзбекистон — келажиги буюк давлат" деган шир негизда ҳам спорт, жумладан болалар спортини тушунчаси мужассам, деб алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, маҳаллалардаги болалар спорт майдончалари ҳам фарзандларимизни ёшларига доғ спортга қизиқтириш, уларни жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Маҳалламиз аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, айниқса, уларни спортга жалб этиш ишларида жиддий эътибор қаратилган. Маҳалламиз худудидаги спорт майдончасида доимо болажонларнинг қувноқ қийқириги янграб туради. Айтиш керакки, биз маҳалла фаоллари худудидаги таълим муассасалари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик режасини ҳам тузиб олганмиз. Бу эса болажонлар учун дам олиш кунлари спорт майдончасида турли тадбирлар ташкил этилишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Термиз шаҳар Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Чори Пундиев.

Таъкидлаш жоизки, республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этган ҳолда, "Энг яхши болалар майдончаси" танловини ўтказиш ҳам тадбирлар режасида белгиланган. Бу маҳаллалардаги мавжуд ва янги ташкил этилган болалар спорт майдончаларига жиддий

эътибор беришга қарайди.

Болажонларнинг бўш вақтлари қизиқарли ва сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида майдончада турли тадбирлар ташкил этиш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради, — дейди Шайхонтоҳур тумани Жангтоҳ маҳалла фуқароси Светлана Абдулаева. — Мана, кунлар ҳам исб бормоқда. Демак, болажонларнинг бўш вақтлари, асосан, ҳовлида, болалар майдончасида ўтади. Ана шундай пайтларда мушоира, халқ ўйинлари, кўғирчоқ театри, Наврўз ривоятлари, маҳалланинг ибратли ўқувчилари билан давра суҳбати, хавфсизлик қондалари, ёш расомлар танлови каби турли-туман тадбирларнинг ташкиллаштирилиши барқамол авлод тарбияси учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви ва унинг худудий бўлим ва бўлимлари томонидан маҳаллалардаги мавжуд спорт майдончаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари ҳомийлар кўмағида ҳам амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳам бу борада зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу, аввало, юрт ободлиги, қолаверса, ёшлар тарбияси йўлида қилинаётган эзгу ишларнинг давоми бўлиб қолади.

Энг муҳими, юртимизда муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шартлиги йўлида барқамол авлоднинг тарбиялашнинг яхлит тизими яратилди.

Тўлқин РЎЗИЕВ,
Ёдгор АШУРОВ,
"Mahalla" мухбирлари.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Суднинг қора курсисидида бошини эгиб ўтирган Зафарнинг юраги аламли ўй-хаёллардан ўртанарди. Қаёқдан ҳам Саидқулнинг тақлифига рози бўлди-я. Ушанда бу қалтис ишга қўл урмаганида, бу совуқ панжара ортда ўтирмаган бўларди...

Ўттиз уч ёшни қаршилаган Зафар Эгамбердиев Денов туманида автомашина эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланарди. Нафақат туманда, балки вилоятда ҳам унинг танишлари, ошна-оғайнилари кўп, топилу-тутиши ҳам бинойидай. 2008 йилнинг сентябрь ойида дўконга кириб келиб, эҳтиёт қисмларга нардан-берди кўз югуртираётган Саидқулнинг нияти бузуқлигини пайқаш қийин эмасди. У ўзини Зафарга худди қадрдондек тутиб, бир ишда ёрдам берса, мўмайгина пул ишлаб олишини айтиб, йигитни қизиқтирди. Бу қандай ишлиги билан қизиққан Зафарга у Тожикистонда қариндошлари борлиги, улардан "героин" гиёҳвандлик воситасини олиб келганини шипшиб, "мол"га харидор топиб беришини сўрайди. Аввалига Зафар бу ишга рози бўлмади, чунки Саидқулни яхши танимас, қўшни маҳаллада новвойлик билан шуғулланишини биларди, холос. Бироқ Саидқул унга бир ойда топадиган даромадини бир кунда

ишлаб олиши мумкинлигини обдон тушунтирди. Нафс қутқусига учган Зафар бу ишга рози бўлади.

Орадан икки ҳафтача ўтган, Зафарнинг дўконига доимий мижозларидан бири, шу туманда яшовчи Амиркул Бабаширипов кириб келади. Турмуш ташвишларидан сўз бошлаган Амиркул мақсадага ўтиб, яқин танишлари Россияга гиёҳвандлик воситасини олиб бориб сотмоқчи эканлигини айтади ва уларга "героин" топишда ёрдам беришини сўрайди. Эртасига А.Бабаширипов ва нотаниш олифасифат икки мижмони — С.Маткаримов ва П.Улашов билан бирга Саидқулнинг хонадонига йўл олишади. Бир килограмм "героин" моддасини мижмонлар 7500 АҚШ долларига сотиб олишгач, Зафарнинг қўлига "ёрдам" бергани учун А.Бабаширипов 1500 АҚШ доллари тутқазди.

Ови бароридан келган Саидқул қандай бўлмасин Зафарни қўлдан чиқариб юбормаслигини ўйлаб яна мижоз топиб келса, хизмат ҳақини ўзи нақд беришини айтиб, у билан қуюқ хайрлашади.

Кўп ўтмай Зафарнинг дўконига қақирилмаган «михмонлар» яна пайдо бўлишади. Улар бу гал ҳам гиёҳвандлик моддасига харидор бўлиб келишганди. Ўзаро суҳбатдан аён бўлишича, олдинги сафар олин-

ган "мол" Россияга олиб кетилган ва ўша ёқда сотиб юборилган экан. Зафар улар билан яна Саидқулнинг қўлига бориб эшигини тақиллатди. Бу сафар Саидқул хонадонидан ярим килограммга яқин "героин" олиб чиқиб 4000 АҚШ долларига сотиб юборди. Ваъда қилингандек, Саидқул мижозлардан олган бир даста пул орасидан 400 долларини олиб, «хизмат ҳақи»га Зафарга узатади...

Халқимизда кўза кунда эмас, кунда синади, деган мақол бежиз айтилмаган. Бу икки оғуфуршу ҳамтовик бу нақлни унуттирган экан. 2009 йилнинг май ойида Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар ходимлари томонидан ушбу жиноий гуруҳ фаолиятига чек қўйилди. Маълум бўлишича, А.Бабаширипов "героин" гиёҳвандлик воситасини ичига ютиб, "Тошкент-Москва" поезди орқали Самарга олиб ўтмоқчи бўлган пайтда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан "Келес" темир йўл бекатида ўтказилган текширув вақтида ушланган. А.Бабаширипов ва унинг жиноий шерикларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, улар узоқ муддатга озоликдан маҳрум этилган. З.Эгамбердиевнинг хонадонига ўтказилган текширув чоғида сотиш учун тайёрлаб қўйилган икки юз граммга яқин "марихуана" гиёҳвандлик воситаси топилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туман судининг 2009 йил 18 декабрдаги мажлисида З.Эгамбердиев ва С.Хамроевнинг жиноят иши қўриб чиқилди. Суд оғуфуршларни Жиноят кодексининг контрабанда ҳамда гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаш, ўтказиш моддаси бўйича айбли деб топиб, уларни ўн уч йилга озоликдан маҳрум этди.

Хукми эшитган Зафарнинг кўзи-га энди даста-даста пуллар эмас, балки вояга етмаган тўрт фарзанди қўри-нарди. У энди умрининг энг гуллаган даврини темир панжара ортда, фарзандларидан йироқда ўтказди. Бу ўй-хаёл унинг юрак-бағрини эзар, бироқ сўнгги пушаймондан наф йўқ. Ахир бежиз айтмайдиларда: сўнгги пушаймон — ўзинга душман, деб.

Р.ПҮЛАТОВ

Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти томонидан фуқаро Раҳимов Мухтабарга берилган 3224-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг навбатдаги сони 2010 йил 1 апрелда чиқади.



ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИДАГИ

«ДОН — ХАЛҚ РИЗҚИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Шоду хуррамлик, нафосат ва
гўзаллик айёми Наврўз билан
барчангизни қутлайди!
Миллий урф-одатларимиз,
анъаналаримиз боқий бўлсин.
Қалбингизни меҳр-оқибат
тарк этмасин.
Наврўзи олам муборак!

НАВРЎЗ сизга БАХТ ва ОМАД келтирсин!



Mahalla

ҳафталик газета

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бosh муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси
Мағбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 6 декабрда 0019 рақами
билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

Навбатчилар: Моҳичеҳра Латипова
Раҳим Шеркулов

Мусаҳҳих: Нодира Холмирзаева
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Телефонлар:

233-39-89 233-10-73
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди,
офсет усулида босилди.

Формати — А-2,
4 босма тобоқ.

«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида босилди.

Корхона манзили:
Тошкент, «Буюк Турон» кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz
mahalla@sarkor.uz
mahalla.gz@rambler.ru

22396 нусхада чоп этилди. Буюртма
Г-254

Нашир кўрсаткичи: 148

«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўз акциядорлари, мижозларни ва барча
юртдошларимизни Наврўз айёми билан
самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда «АГРОБАНК» СИЗга
саломатлик, баркамоллик ва фаровонлик тилайди!

Ушбу айёмда «АГРОБАНК» деҳқон хўжаликларига ўз
шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка
етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари,
мева ҳамда узум кўчатлари сотиб олишга
микрокредитлар ажратилишини маълум қилади.

НАВРЎЗ Сизга БАХТ ва ОМАД келтирсин!

«АГРОБАНК» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг
молиявий таянчи!

Наврўз — табиатнинг уйғониш фасли,
умумхалқ байрами, меҳр-муҳаббат айёми,
орзу-умидлар рамзи. Шу билан бирга, Наврўз
ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг чексиз
саховатининг ёрқин кўринишидир. Халқимиз
Наврўзни ўзгача соғинч ва умид билан
кутади. Зеро, ушбу айём қалбимизга ёруғлик
олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар
этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч
уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва
улуғ айёмдир.



ҚАШҚАДАРЁ ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

барча юртдошларимизни
жонажон диёримиз узра
кезаётган Наврўзи олам билан
муборакбод этади. Баҳорий
хуш кайфият, мустаҳкам
соғлик ҳамда сўнмас ғайрат-
шижоат сизларни ҳеч қачон
тарк этмасин!

Юртимиз равнақи
ҳамиша бардавом бўлсин!

